

# **ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ: таълим-тарбия жараёнига татбиғи**

Методик тавсиянома

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**МАМАРАЖАБ ТОЖИЕВ  
БҮРИ ЗИЁМУҲАММЕДОВ**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ**

Битта мавзуи назарий ва амалий машғулотларининг  
лойиҳаларини тузиш тажрибасидан

Тошкент  
“Fan va texnologiya”  
2013

УДК: 371.8511517

ББК 74.26

**Тожиев М., Зиямухаммедов Б.** ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ:  
битта мавзуи назарий ва амалий машғулотларининг лойиҳаларини  
тузиш тажрибасидан//Методик тавсиянома. -Т.:” Fan va texnologiya”,  
2013. 64 бет.

ББК 74.26

Иқтисод фанлари доктори, профессор **Б.Ҳ.Рахимовнинг**  
умумий таҳрири остида

**Тақризчилар:** Азизходжаева Н.Н., Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби,  
педагогика фанлари доктори, профессор  
**Мавлянов А.** физика-математика фанлари  
номзоди, доцент.

Мазкур методик тавсиянома узлуксиз таълим тизимининг барча  
босқичларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва педагогларга ўқув  
машғулотларини педагогик технологиянинг миллий модели асосида  
войиҳалашда методик йўл-йўриқ вазифасини ўтайди.

Методик тавсиянома Олий ва ўрта маҳсус, қасб-ҳунар  
таълимини ривожлантириш маркази илмий кенгашининг 2013 йил  
“\_\_\_” “\_\_\_”-сонли Қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## Мундарижа

<b>Т/р</b>	<b>Мавзулар</b>	
1.	<b>Кириш.....</b>	5
2.	Таълимни педагогик технология тамойиллари асосида ташкил қилиш.....	9
3.	“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети мавзуининг назарий ва амалий машғулотлари лойиҳалари.....	13
4.	“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети битта мавзуи назарий машғулотнинг лойиҳаси.....	17
5.	“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети битта амалий машғулот лойиҳаси.....	38
6.	Ўқув машғулотининг типи ва турлари.....	40
7.	ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар.....	41
8.	Педагогика соҳасида кўп ишлатиладиган тушунчалар-ning изоҳи.....	59
9.	<b>Хулоса.....</b>	62
10.	<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	63

*“Энг янги замонавий ўқув  
воситалари билан таъминланган  
таълим муассасаларида эскидан  
қолган ўқитиши усулларининг  
давом этишига йўл қўйиб  
бўлмайди”*

**Ислом Каримов**

## **Кириш**

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил қилиб, уни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ этиш давом этмоқда. Шу кунда таълим тизимида таълим жараёнини замонавий педагогик технология билан таъминлаш, унга оид ўқув адабиётларни тайёрлаш ва амалиётга тадбиқ этиш – асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли Қарори[5]нинг чиқиши таълим жараёнига миллий педагогик технологияни янада кенгроқ татбиқ этиш жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

Қарорда олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, янгилangan калассификаторга мувофиқ олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартларини яратиш унга мос дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш масалалари устувор вазифалар қилиб белгиланди. Янгилangan классификатор бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг такомиллаштирилган, тасдиқланган ҳамда босқичма-босқич татбиқ этилаётган ДТС ларнинг **7.5 бандида “Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари”**[8] белгилangan.

Унда, таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув машғулотларнинг лойиҳаларини тузиш

ҳамда уни ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усул ва технологиялардан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган.

Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотларнинг лойиҳаларини тузишда қуидагиларга эътиборни қаратиш:

- таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, шу асосида ўқув машғулотини ташкил этишда илғор системали ёндашув тамойилига, унинг қонун ва қоидаларига амал қилиш;
- таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва шу асосида ўқув машғулотини олиб бориша дидактиканинг барча принциплари ва қонун-қоидаларига амал қилиш;
- ўқув машғулотнинг лойиҳасини тузганда, бу жараённинг ажралмас ва таркибий қисмлари бўлган - "Мақсад ва мақсадчалар", "Уларга ажратилган вақт", бериладиган билимлар ичидаи "Таянч тушунчалар", "Ўқув машғулоти тури", "Педагогик усул ва услублар", "Ахборот технологиялари" ва "Дидактик материаллар" каби унсурларни ўзаро яхлитлик сифатида кўриш;
- ўқув жараёнини лойиҳалаш ва ундан амалиётда фойдаланишда таълим олувчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни ўзлари мустақил равишда ўзлаштиришларига урғу бериш;
- педагогик технология тамойиллари асосида тузилган лойиҳа бўйича ўқув машғулотини амалга оширишда, эгалланадиган билимларни таълим олувчилар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнииг ўзида олиб бориш;
- ҳар бир ўқув машғулоти якунида эришиладиган натижаларнинг феъллар шаклида бўлиши. Бунинг учун, ҳар бир ўқув машғулотининг якунида эришилиши шарт бўлган иш ҳаракатлари тизими аввалдан белгилаб қўйилади;
- ўқув машғулотининг якунида, олдиндан шу машғулот учун аниқланган баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари асосида таълим олувчиларнинг билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш;
- машғулот учун самарали ноанъанавий ёки интерфаол усуллар, дидактик воситалар ва жиҳозларни танлаш;
- ўқув машғулоти мазмунини ифода этувчи мавзу матнини яъни, ўқув жараёнини амалга оширишнинг сценарийсини бериш;

Куидаги педагогик усул ва технологиялардан фойдаланиш:

Тарбия жараёнини “фаоллаштириш” тамойилига суюнадиган

ноанъанавий ёки интерфаол усул ва технологиялар: “Шаталовнинг жадаллаштириб ўқитиш усули”, “Муаммоли дарс”, “Ақлий хужум”, “Кичик гуруҳлар билан ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кластер усули”, “Б.Б.Б.”, “6x6x6”, (“3x3”, “4x4”, ...), “Бумеринг”, “Қора қути”, “Ролли ўйин”, “Баҳс-мунозара”, “Заковатли зукко”, “Зиг-заг”, “Чархпалак”, шунингдек, танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари, шахсий йўналганлик асосидаги ҳамда ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар, ўқитишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш технологияси кабилар.

Тарбия жараёнини “Жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқиладиган усул ва технологиялар: “Йўналтирилган матн”, “Дастурлаштириш”, “Технологик харита усули”, “Модулли ўқитиш усули”, “Лойиҳалаш усули” ҳамда барча усулларнинг афзаллик томонларини ўзида мужассамлаштирган “Педагогик технология” усули[8].

Галдаги вазифа, ДТСда белгиланган бу талабларни фаннинг ўқув дастурларига сингдириш ва босқичма-босқич фанларнинг ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузишдан иборатdir.

Шу талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Вазирлик тизимида 2012-2014 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастурлари” доирасидаги ИТД-1-45 – “Педагогик технологияни миллий модели асосида ўқув машғулотларнинг лойиҳасини тузиш ва амалиётда қўллаш” мавзусидаги амалий лойиҳа асосида тайёрланган ушбу методик тавсиянома шу мақсада хизмат қилишга йўналтирилган.

Ҳар қандай таълим тизимининг негизида келажак авлоднинг тақдирни, шунингдек, давлат ва халқ манфаатлари ётади. Бу манфаатларининг рўёбга чиқиши учун, бугунги ёшларимизнинг шахсий фазилатлари ва касбий компетентлиги етакчи ўрин тутади. Ўсиб келаётган авлоднинг инсоний фазилатлари билан касбий даражаси эса, уларга шу кунда берилаётган билимларнинг тури, ҳажми ва таълим-тарбиянинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Бугунги кундаги таълим ва тарбиянинг сифати эса, ўқитувчи ва педагогларимиз томонидан шаклланиб келаётган миллий педагогик технологиянинг назарий асосларини нечоғлиқ ўрганиб, ўқув жараённида замонга мос бўлган таълим усулларидан қанчалик тўғри фойдалана олаётганлигига чамбарчас боғлиқ эканлиги шубҳасизdir. Мазкур услубий тавсиянома, айнан замонамизнинг

Энг янги педагогик усули ҳисобланган «Педагогик технология»нинг миллий моделидан ўқув жараёнида фойдаланиш йўл-йўриқларини очиб беришга бағишиланган.

Ушбу методик тавсиянома узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият қўрсатаётган ўқитувчи ва педагогларга ўқув машғулотларини педагогик технологиянинг миллий модели асосида лойиҳалашда методик йўл-йўриқ вазифасини ўтайди.

Методик тавсияномани тайёрлашда услубий ва амалий маслаҳатини берган педагогика фанлари доктори **З.К.Исмаилова**, физика-математика фанлари доктори **Ш.Жўраев**, физика-математика фанлари номзоди, доцент **Р.Ражаббоев**, физика-математика фанлари номзоди, доцент **Х.Х.Назаров** ва методик тавсияномага ҳолисони фикрларини билдирган Ўзбекистон миллий университети, Низомий номидаги Тошкент педагогика университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё технология институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчиларига муаллифлар миннатдорлигини билдиради.

## **Муаллифлар**

\* \* \*

## **Таълимни педагогик технология тамойиллари асосида ташкил қилиш**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши, ўқитувчиларимиз тафаккурида асрлар давомида шаклланиб қолган педагогик менталитетдан ҳоли бўлган ва шу ҳудуд аҳолисининг миллий ўзига хослигидан келиб чиқиб, таркиб топиб келаётган миллий педагогиканинг мазмун ва моҳиятини муайян бир тартибга солинди. Шунинг меваси бўлган, “Педагогик технология” тушунчаси илмий муомалага киритилиши билан, таълим-тарбия соҳаси тубдан ўзгарди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон педагогикасининг мазмун ва моҳияти, таълим назарияси, усул ва услубларида катта ўзгаришлар рўй бериб, ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган педагогик технология тамойилларидан оғишмаган ҳолда, система(мажмуи)лар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқувчи ва Республикаиздаги ижтимоий – педагогик шароитни ҳисобга олиб, ҳудуддаги профессор-ўқитувчилар ва педагогларнинг маърифий менталитетидан келиб чиқсан ҳолда, республикамиз педагоглар жамоатчилигига тушунарли бўлган педагогик технологиянинг замонавий миллий модели вужудга келди.

“Педагогик технология”, агар уни ҳудудга мослаштирилса, бошқа барча усуллардан юқори самарадорлиги билан ажralиб, ўқув жараёнининг сифатини педагогнинг маҳоратидан озод қилади ва таълим-тарбия жараёнини фақат яхши ва аъло даражада бўлишлигини кафолатлаши билан бирга, уни қайтадан тиклаш имконини беради.

Бугунги кунга келиб ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усулларни учта тоифага ажратилмокда ва бу тоифадаги усуллар ўқув предметлари ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузганда ва педагогик технологияни таълим жараёнига жорий қилинаётганда, билим соҳаларининг хусусиятидан келиб чиқиб, керакли жойларида ишлатилади. Буларга қуйидагилар киради:

**Биринчи тоифадаги усуллар** “Анъанавий усуллар” аталиб, талаба-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланадилар. Уларга: “айтиб бериш”, “кўрсатиб бериш”, “намойиш”, “маъруза тақдимоти”, “савол-жавоб”, “тўрт поғонали усул”лар ва бошқалар киради.

**Иккинчи тоифадаги усуллар** “Интерфаол усуллар” деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “фаоллаштириш” тамойилига суянидилар. Уларга: “муаммоли дарс”, “фикрий ҳужум”, “ақлий ҳужум”, “кичик гурӯхлар билан ишлаш”, “давра сухбати”, “кластер усули”, “қора қути”, “бешинчиси ортиқча”, “ишбоб ўйин”, “ролли ўйин”, “баҳс-мунозара”, “қарама-қарши муносабат”, “заковатли зукко”, “зиг-заг”, “чарҳпалак”, “зинама-зина” ва бошқа кўпдан-кўп усуллар киради.

**Учинчи тоифадаги усуллар** “Илғор ёки Замонавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини “жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқадилар. Уларга: “лойиҳалаш усули”, “йўналтирилган матн” “программалаштириш”, “модулли ўқитиши”, “технологик харита усули” ва ниҳоят барча усулларнинг афзаллик томонларини ўзида мужассамлаштирган “педагогик технология” усули киради.

Бу уч тоифадаги усуллар тарихан таркиб топиб, вақт ўтиши билан бири-биридан такомиллашиб, ўз даврининг талабига жавоб берганлар. Юқорида акс этилган усулларнинг, “педагогик технологиядан” ташқарисини амалда қўллаётганда, ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ва ноқулай томонлари бўлиши мумкинлиги педагогикада аниқланган.

“Педагогик технология” қўйидаги тамойиллардан келиб чиқади:

**Биринчиси** - таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва шу лойиҳа асосида ўқув машғулотини амалга оширишда замона илмининг объектив борлиқقا энг илғор ёндашуви бўлган “Системали(мажмуили) ёндашув” тамойилига ҳамда унинг қонун ва қоидаларига доимо амал қилиш. Зеро, ўқитишнинг “Педагогик технология” юз фоиз “Системалар назарияси” асосида яратилган (*Бу усулнинг назариясини чуқурроқ билмоқчи бўлганлар Б.Зиёмуҳаммадов ва М.Тожиевлар томонидан яратилган “Педагогик технология: замонавий ўзбек миллий модели” номли методологик кўлланма ва Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик*

*технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиги ва унинг баркамол авлод фазилатларини шакллантиришидаги ўрни. Монография. /Т.: «MUMTOZ SO'Z». 2010., -214 б. билан танишишилари лозим).*

**Изоҳ:** Шу кунда "Таълим технологияси", "Педагогик технология" ва "Ўқитиши технологияси" деган тушунчалар бир маънода ишлатилмоқда.

**Иккинчиси** - таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва унинг асосида ўқув машғулотини олиб боришда дидактика(таълим назарияси)нинг барча принциплари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқади. Бунинг учун, ўқув машғулотлари лойиҳа тузувчи ва тузилган лойиҳа асосида ўқув машғулотини олиб борувчилар дидактикани яхши билишлари ва ундан педагогик амалиётда фойдалана олишлари шарт.

**Учинчиси** - ўқув машғулотининг лойиҳасини тузганда, бу жараённинг ажралмас ва таркибий қисмлари бўлган - "мақсад ва мақсадчалар", "уларга ажратилган вақт", бериладиган билимлар ичидағи "таянч тушунчалар", "дарс тури ва типи", "педагогик услублар", "ахборот технологиялари" ва " дидактик материаллар" деган элементларини ўзаро узвий, яъни функционал боғлиқликда бўлган яхлитлик сифатида кўриш.

**Тўртинчиси** - ўқув жараёнини лойиҳалашда ва ундан амалиётда фойдаланишда таълим оловчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни, ўzlари мустақил равишда топишларига урғу бериш. Яъни, педагог муайян соатда таълим оловчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни уларга айтиб бера олмай, бу билимларни улар фаол фикр юритиб ўzlари топишларига эришиши лозим.

**Бешинчиси** - Педагогик технология тамойиллари асосида тузилган лойиҳа бўйича ўқув машғулотини амалга оширишда, эгалланадиган билимларни таълим оловчилар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнииг ўзида олиб бориш (амалиётда қўллаш деганда факат муайян бир ишни бажарив беришни тушуниб қолмай, эгалланган билимларни айтиб бериш ҳамда амалда қўллаш, деб тушунилади).

**Олтинчиси** - ҳар бир ўқув машғулоти якунида эришиладиган натижаларнинг феъллар шаклида бўлиши. Бунинг учун, ҳар бир ўқув машғулотининг якунида эришилиши шарт бўлган иш харакатлар тизими аввалдан белгилаб қўйилади.

**Еттинчиси** - ўқув машғулотининг якунида, олдиндан шу машғулот учун аниқланган баҳолаш тур ва мезонлари асосида барча таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш.

Юқорида санаб ўтилган “Педагогик технология” тамойилларидан келиб чиқиб, ўқув машғулотлар лойиҳасини тузишида бажариладиган вазифалар қуидаги тартибда амалга оширилади, буни ўқув машғулоти лойиҳасини тузиш алгоритми дейилади.

**Бажариладиган биринчи вазифа** - ўқув предметини яхлитликда қўриб, уни “Ўта катта” (мего) модул деб англаб, бу модул якунида кутиладиган мақсад аниқланади ва жадвал шаклига келтирилади. Ушбу мақсад мазкур ўқув предмети учун белгиланган давлат стандарти талабига мос келиши шарт. Сўнг, муайян ўқув предмети, яъни “Ўта катта” модул ичидаги билимларнинг ҳажми, мантиқий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, ундаги ўқув материалини “Катта”(макро) модулларга ажратилади ва уларнинг ҳам мақсадлари белгиланиб жадвал шаклида ифодаланади. Давомидан, ҳар бир “Катта” модул ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан баробар бир жуфт соатда ёки, умумтаълим мактаби бўлса, 45 дақиқада талабалар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар мажмуилари ажратилади ва уларга “Ўрта” (мезо) модул деб ном берилади ва уларнинг ҳам мақсадлари аниқланади ва жадвал орқали ифодаланади.

**Шу билан “Педагогик технология” тамойиллари асосида ўқув предметининг машғулотларини лойиҳалашнинг умумий жадваллари тузилган бўлади.**

**Бажариладиган иккинчи вазифа** - ҳар бир жуфт соатлик ёки 45 дақиқалик ўқув машғулотларининг, яъни “Ўрта” модулларнинг хусусий жадвалларини тузиш.

**Бунинг учун, биринчидан** - бир жуфт соатлик ўқув машғулоти “Ўрта” модулни олиб, ичидан бир нечта “Кичик” (микро) модуллар ажратилади ва уларнинг мақсадлари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланади, “Кичик” модулларни ажратишда, педагогнинг шу ўқув машғулотининг ҳар бир бўлаги олдида қўйган мақсади ва ундаги фикрларнинг тугалланганлигидан келиб чиқилади;

**Иккинчидан** - ҳар бир жуфт соатлик ўқув машғулотидаги “Кичик” модуллар орқали бериладиган билимлар тизими ичидан

таянч тушунчаларни ажратиб, улар асосида талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш учун назорат саволлари тузилади ва баҳолашнинг тур ва мезонлари аниқлаб олинади;

**Учинчидан** - ўқув машғулотининг ҳар бир "Кичик" модулида қўлланиладиган машғулотнинг тури ва типи белгилаб олинади;

**Тўртинчидан** - ҳар бир "Кичик" модулда ишлатиладиган педагогик услублар аниқланади. Шунда, интерфаол усуллар бу ерда услуг, яъни русчадаги "педагогик приём" вазифасини бажаради;

**Бешинчидан** - муайян ўқув муассасасида мавжуд ахборот-коммуникация технологиялардан ҳамда ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотининг характеристидан келиб чиқиб, ўқув машғулотини амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот технология ва дидактик материаллар белгиланади.

Шу билан "Педагогик технология" тамойиллари асосида битта ўқув машғулотини лойиҳалашнинг хусусий жадвалларини тузиш вазифаси бажарилган бўлади.

**Бажариладиган учинчи вазифа** - ушбу ўқув машғулотининг лойиҳалаш хусусий жадвалларида қўрсатилган тартиб бўйича ўқув жараёнини амалга оширишнинг сценарийси ёзилади. Унда ҳар бир "Ўрта" модулда бериладиган билимлар бирма-бир ифодаланиб, уларни таълим олувчиларга етказишда қўлланиладиган дарс типи, педагогик услублар, ахборот-технология ва дидактик материалларнинг қўлланиш жойлари кўрсатилади.

Ушбу алгоритмга асосланиб, "Педагогик технология" тамойилларига суюнган ҳолда, исталган ўқув машғулотнинг лойиҳасини тузса бўлади.

\* \* \*

### **"Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш" ўқув предмети мавзуининг назарий ва амалий машғулотлари лойиҳалари**

Муайян ёки бошқа исталган ўқув предметининг назарий ва амалий машғулотлар лойиҳаларини тузиш учун, мазкур услубий тавсияноманинг кириш қисмида қўрсатилган алгоритм бўйича уч турдаги вазифалар бажарилиши шарт бўлиб, бу вазифаларни қўйидагича амалга оширидик:

**Биринчи вазифа. «Математика ўқитиши жараёнини**

**лойиҳалаш”** ўқув предметининг умумий жадвалларини тузиш. Бунинг учун:

**Биринчи навбатда,** «Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметини ўзаро узвий боғлиқ қисмлардан ташкил топган яхлитлик сифатида тасаввур этиб, уни "Энг катта" модул (энг юқори иерархия поғона) деб қабул қилинди ва шу ўқув предметининг умумий мақсади белгиланди (**1-жадвал**).

**Иккинчи навбатда,** ўқув предмети ичидаги билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигини инобатга олиб, унинг ичидаги ўқув материалини бир неча "Катта" модуллар (юқори иерархия поғона)га ажратилди ва уларнинг ҳам мақсадлари аниқланди (**2-жадвал**).

**Учинчи навбатда,** ҳар бир "Катта" модул ичидан мантиқан боғланган, шу билан биргаликда бир жуфт соатда талабаларга етказилиши лозим бўлган билимлар мажмуларини "Ўрта" (ўрта иерархия поғона) модулларини ажратиб, уларнинг ҳам мақсадлари белгиланди (**3-жадвал**).

Кўйида уларнинг жадваллари келтирилган.

**“Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети машғулотлари лойиҳаларининг умумий жадваллари  
1-жадвал**

“Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети –  
"Энг катта" модулнинг умумий мақсади

Математика ўқитиши методикаси бўйича педагогик фаолиятни ўзига касб қилганларни узлуксиз таълим тизимидағи ўқув предметларнинг назарий ва амалий машғулотларини олиб бориш усулининг энг замонавийси бўлган педагогик технологиянинг ҳудудимизга мос миллий модели билимлари билан қуроллантириб, унинг мазмун ва моҳиятини “Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметини ўқитиши жараёнига тадбиқ қилишни, шу асосда ўқув машғулотлар лойиҳаларини тузиш ва уни математика туркимиға кирувчи фанлар ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузишга қўллаш бўйича билимларни уларнинг қўнимасига айлантириш.

**2-жадвал**

“Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети ичидаги  
"Катта" модуллар ва уларнинг якунида эришиладиган мақсадлар

**Катта модуллар номи**

**Катта модуллар якунида эришиладиган мақсадлар**

Педагогик технологиянинг қисқача тарихи ва илмий тарифи, уларнинг “Математика	Ер юзида мавжуд етакчи дидактик тизимлар таҳлили асосида педагогик технология усулининг яратилиши ижтимоий зарурият эканлиги таълим олувчилар онгига етказиши ва улар тафаккурида педагогик технологиянинг шаклланиш тарихи ҳамда илмий асосланган таърифи тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва “Математика
ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқи	ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқини уларнинг кўникмаларига айлантириш.
Педагогик технология, унинг таркибий қисми бўлган ўқитиш жараёнини лойиҳалашнинг методологик асослари	Таълим олувчиларда, атроф оламдаги ҳар қандай нарса ва ҳодисаларни бирбутунлик - "мажмулар сифатида кўриб, уларни ташкил қилувчи ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган унсурларини ҳам, ўзидан бир пофона пастда бўлган "мажму"лар деб, идрок қилиш кўникмасини ҳосил қилдириш ва таълим-тарбия соҳасида "Мажму ёндошув" тамоилини қўллашга ўргатиш ва мажму тамоилии асосида ўқитиш жараёнини лойиҳалашни уларнинг кўникмасига айлантириш.
Педагогик технология ва ўқитиш жараёнини лойиҳалашнинг назарий асослари	Таълим олувчиларга, педагогик фаолият уч турли эканлигини ва бу фаолият турларининг обьектлари, предметлари, мақсадлари, вазифалари ҳамда педагогик технология усулининг тамоиллари, улар асосида ўқув машғулот лойиҳасини тузишда бажариладиган ишлар юзасидан билим бериб, уларда бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш.
“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқитишда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти	Педагогик технология тамоиллари асосида “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқитиш мазмун ва моҳиятини бўйича билимларни талабаларнинг кўникма ва малакасига айлантириш, шу асосда математика туркимиға кирувчи фанлар ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузишдаги ўрнини кўрсатиб бериш.
Педагогик технология тамоиллари асосида “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқув машғулотлар лойиҳасини тузиш	Таълим олувчиларга, ўқув предметининг материалини иерархия пофонали модулларга ажратиб, мақсадларини белгилашга ва ҳар бир кичик модул ичидаги таянч тушунчаларни аниқлашга ҳамда назорат саволларини тузишга, шунингдек, ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган дарс тури, типи, педагогик усуллар, ахборот технология ва дидактик материалларнинг кўлланишини ўргатиш ҳамда педагогик технология тамоиллари асосида “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқув машғулотлар лойиҳасини тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Математика туркимиға киравчы фанлар ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш моделини ишлаб чиқиши	“Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқув машғулотлар лойиҳаларини андаса сифатида кўрб, педагогик технология тамойиллари асосида математика туркимиға киравчы фанлар ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш моделини ишлаб чиқиши ўргатиши ва уни таълим жараёнига қўллаш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириши.
--	---

### 3-жадвал

“Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети биринчи катта модуллари ва уларнинг таркибидаги ўрта модуллар ҳамда уларнинг якунида эришиладиган мақсадлар

Биринчи котта модулнинг номи	Ўрта модуллар, уларнинг тартиб рақамлари билан машғулот тuri va мавзунинг номи	Ўрта модуллар якунида эришиладиган мақсадлар
Педагогик технология-нинг қисқача тарихи ва илмий таърифи, уларнинг “Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқи	<p><b>1.1. Назарий машғулот</b> Жаҳондаги асосий дидактик тизимлар таҳлили ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ва унинг ўқитиши жараёнини лойиҳалашдаги ўрни.</p> <p><b>1.2. Амалий машғулот</b> Ер юзидағи асосий дидактик тизимлар ва педагогик технологиянинг яратилиш шарт-шароитлари.</p>	<p>Ер юзидағи асосий дидактик тизимларни таҳлил қилиб берип, педагогик технология усулини пайдо бўлиш шарт-шароитлари ва уни яратилишининг қонуний тарзда зарур эканлигини, таълим олувчилар тафаккурларига етказиш ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ва унинг ўқитиши жараёнини лойиҳалашдаги ўрнини уларга тушунтириб бериш.</p> <p>Таълим олувчиларнинг аввалги назарий машғулот давомида олган билимларини, ўзларига айттириш йўли билан, бу билимларга нисбатан уларда кўникма ҳосил қилдириш.</p>

	<p><b>1.3. Назарий машғулот</b>  Педагогик технологиянинг юзага келиш тарихи ва уларнинг илмий асосланган таърифи, уларнинг “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқи</p>	Педагогик технология пайдо бўлишидан аввалги анъанавий усуллар ва янги усулларни яратиш йўлидаги уринишлар ҳамда уларнинг натижасида педагогик технология пайдо бўлганлиги тўғрисидаги билимларни ва педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифини, таълим оловчилар онгига етказиш ва “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқини уларга ўргатиш
	<p><b>1.4. Амалий машғулот</b>  Педагогик технологиянинг яратилиш тарихи ва илмий асосланган таърифи ва уларнинг “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқи</p>	Аввалги назарий машғулот давомида эгалланган билимларни таълим оловчилардан такроран сўраб, бу билимларни уларнинг кўникмаларига айлантириш ва “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предметига тадбиқи бўйича билимларни уларга ўргатиш ва малакаларини шакллантириш

**Изоҳ.** Методик тавсиянома саҳифаларини ихчамлаштириши мақсадида, фақат биринчи катта модул ва унинг маркибига кирувчи ўрта модуллар ва унинг кичик модулларини келтиридик.

\* \* \*

### **“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети битта мавзуи назарий машғулотнинг лойиҳаси**

#### **Мавзу: Жаҳондаги асосий дидактик тизимларнинг таҳлили ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги**

Бир жуфт соатлик ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш учун, аввал, умумий жадваллардан фойдаланиб, бу машғулотнинг хусусий жадвалларини ишлаб чиқиши лозим бўлди. Бунинг учун:

**Биринчи навбатда,** Биринчи ўрта модул ичидан 5 та кичик модуллар ажратдик, сўнг, уларнинг мақсадлари ва уларга

ажратилган вақт ҳамда таълим олувчилар бажариши шарт бўлган амаллар белгиланди (**1.1.-жадвал**)

**Изоҳ:** Муайан ўқув предмети биринчи ўқув машғулотининг, ичидағи материаллардан келиб чиқиб, уни б кичик модулларга ажратдик, бошқа мавзу ёки бошқа ўқув предметининг бир жуфт соатлик ўқув машғулотлари ичидағи кичик модуллар бундан кўп ёки кам бўлиши табий.

**Иккинчи навбатда,** шу ўрта модул ичидағи кичик модуллар таркибидаги таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида назорат саволлари тузилди ва уларни баҳолаш тур ва мезонлари белгиланди (**1.2-жадвал**).

**Учинчи навбатда,** шу ўрта модул таркибидаги ҳар бир кичик модулларда қўлланилган ўқув машғулотининг типлари ҳамда педагогик услублар танланиб жойлари белгиланди (**1.3.-жадвал**).

**Тўртинчи навбатда,** шу ўрта модулдаги ҳар бир кичик модулларда қўлланиладиган ахборот коммуникацион технология ва дидактик материалларнинг қўлланиш тури ва жойлари кўрсатилди (**1.4-жадвал**).

### 1.1-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидаги кичик модуллар, уларнинг олдига қўйилган мақсадлар ва уларга ажратилган вақт

М/М т/р	Кичик модулларнинг олдига қўйилган мақсадлар	Ажратилган вақт	Бажариладиган иш харакатлар
1	Талабалар билан танишиш ва уларни фан билимларини ўрганиш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган қоидалар билан таништириб, конспект дафтарини биринчи бетига ёздириш.	15 дақиқа	Тушунтириш ва керакли жойларини ёзиш
2	Я.А.Коменский, И.Г.Песталоций, Роберт Оуен ва И.Ф.Гербард дидактик тизимлардаги асосий ғоялар билан талабаларни таништириб, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларини кўрсатиб бериш.	15 дақиқа	Қисқача маълумот бериш ва саволларга жавоб бериш
3	АҚШ олими Джон Дьюи дидактик тизими ва бошқа олимларнинг таклиф этган “Янги дидактика” ғоялари билан талабаларни таништириб, таълим тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг тарихий зарурият	15 дақиқа	Тушунтириш ва саволларга жавоб бериш

	эканлигини исботлаб бериш ва унинг ўқитиш жараёнини лойиҳалашдаги ўрнини уларга тушунтириб бериш.		
4	Таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда ўқув жараёнини фақат аъло ёки яхши даражада бўлишигини кафолатлаш баробарида уни педагогнинг маҳоратидан озод қилиш вазифаси «Таълим технологиялари»га юклатилганлиги талабалар онгига сингдириш.	15 дақиқа	Тушунтириш ва саволларга жавоб бериш.
5.	“Математика ўқитиш методикаси” таълим йўналишининг очилиши таълим жараёнини технологиялаштиришдаги инновация эканлигини асослаб бериш ва талабаларга тушунтириш.	10 дақиқа	Тушунтириш ва саволларга жавоб бериш
6	Ўқув машғулотини хulosалаб, талабалардан тушган саволларга жавоб бериб, оғзаки савол-жавоб орқали таълим олувчилар билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш ва уйга вазифа бериш.	10 дақиқа	Саволларга жавоб бериш.

## 1.2-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидаги кичик модуллар ичидаги таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

м/м т/р	Микро модуллардаги таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1	“Тартиб. Ҳар қандай ишни муваффақиятли бўлишнинг гарови”, “уй вазифасини шу куннинг ўзида бажариш”, “энг яхши хотира, бу дафтарга ёзилган сўз”.	<ol style="list-style-type: none"> <li>Иш муваффақиятли бўлиши учун нима қилмоқ керак?</li> <li>Уй вазифасини қайси вақтда бажарган яхши?</li> <li>Энг яхши хотира нима?</li> <li>Инсонларнинг янги билимларини ўрганишга хоҳишлирининг асосий сабаблари?</li> <li>Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қандай билиш босқичлари иштирок этади?</li> </ol>
2	“Тарбиянинг табиатга уйғун	1) “Тарбиянинг табиатга уйғун

	бўлиши”, “ҳамма умум таълим олиши”, “дидактик принциплар”, “мактабга қабул қилиш вақти”, “ меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси”, “элементар таълим назарияси”, “ижтимоий муҳитнинг тарбиядаги ўрни”, “одам ўз харakterини ҳеч қачон ўзи яратгани эмас”, “тарбияловчи таълим”, “қизиқтиришнинг хилмадиллиги”, “таълим босқичлари”, “катталар обрўйига сўзсиз бўйсуниш”, “янги дидактика”.	бўлиши” деганда нимани тушунасиз? 2) Дидактик принциплар нимага асосланади? 3) “Меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси” деб ким айтган? 4) Элементар таълим назарияси нима? 5) Ижтимоий муҳитнинг тарбиядаги ўрнини ким кўрсатиб берган? 6) Катталар обрўйига сўзсиз бўйсуниш қандай педагогик усул? 7) Янги дидактиканинг ғоялари нимадан иборат?
3	“Талабаларнинг шахсий фаоллиги”, “ҳаётий эхтиёжлар”, “тўлиқ фикр юритиш жараёни”, “қийинчиликни сезиш”, “муаммони аниқлаш”, “муаммони ечишини аниқлаш”, “муаммо ечимини тафтиш қилиш”, “ахборотларни кўпайиши”, “ижтимоий ҳаётнинг жадаллашуви”, “анъанавий дарс бериш усуулларининг замон талабига жавоб бермаслиги”	1) Талабаларнинг шахсий фаоллиги деганда нимани тушунасиз? 2) Ҳаётий эхтиёж қаердан пайдо бўлади? 3) Тўлиқ фикр юритиш жараёни нима? 4) Қийинчиликни сезиш орқали муаммони аниқлаш ва уни ечиш жараёни қандай кечади? 5) Педагогик технологиянинг кашф қилиниши зарурияти нимада?
4	“Таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш”, “дарснинг сифатини педагогнинг маҳоратидан озод қилиш”, “ўқув жараёнининг яхши ўтишини кафолатлаш”, “талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш”.	1) Таълим жараёнини қандай қилиб жадаллаштириш мумкин? 2) Ўқув жараёни сифатини қандай қилиб педагогнинг маҳоратидан озод қилса бўлади? 3) Қайси йўл билан талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш мумкин?
5.	Таълимни модернизация қилиш, таълим йўналиши, математика ўқитиши методикаси, математика ўқитиши жараёнини лойиҳалашни	1) таълимни қандай модернизация қилиш мумкин? 2) таълим йўналишини қандай тушунасиз? 3) ушбу таълим йўналишида фақат методикага катта эътибор бериладима?

		4) ўқув машғулотларни лойиҳалаш деганда нимани тушунасиз? 5) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш билан ўқув машғулотларни лойиҳалашнинг фарқи борми?
6	“Таълим оловчиликни фооллаштирувчи педагогик усуслар”	Үйда, мустакил равишда. Интерфаол усуслардан бир нечтасини ёзиб келинг!

**Изоҳ.** Баҳолашининг турлари: Бизнинг мисолда баҳолашининг тури “тест” деб олинганлиги муносабати билан, биз юқоридаги назорат саволлари асосида тест тузмадик. Чунки, тест тузилиши жуда осон бўлиб, буни барча уддалай олади. Ундан кейин, ҳар бир даврда, ўқув муассасаларида баҳолашининг бошқа турлари қабул қилинган. Шунинг учун ўқув машғулотларини лойиҳалашда шу муассасанинг ҳудди ўша даврдаги баҳолаш мезони қабул қилинса тўғри бўлади.

### 1.3-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидағи кичик модулларда қўлланиладиган ўқув машғулоти типи ва педагогик усуслар

М/М т/р	Қабул қилинган ўқув машғулотининг типи	Қўлланиладиган педагогик усуслар
1	“Кириш ўқув машғулоти”, дарс-маъзуза.	“Танишув”, “маъзуза”, “муаммоли баён”, “кўргазмали”.
2	“Янги билимларни эгаллаш”	“Бумеранг (саволлар алмашуви)”, “муаллифга саволлар (мазмунини ойдинлаштириш)”, “мулоқот”.
3	“Янги билимларни эгаллаш”	“Айтиб бериш”, “мулоқот” “хамкорликда баҳолаш(шерик фикри)”.
4	“Янги билимларни эгаллаш”	“Айтиб бериш”, “Блиц сўров”, “мулоқот”.
5	“Қайтариш ва мустаҳкамлаш”	“Мулоқот”, “фронтал сўров”

### 1.4-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидағи кичик модулларда қўлланиладиган ахборот технологияси ва дидактик материаллар

М/М т/р	Ахборот технологиялари	Дидактик материаллар
1	Ёзув доскаси	Қоидалар ифодаланган тақдимот
2	Компьютер, мультимедиа, ёзув доскаси	Ўқув ва кўргазмали материаллар ва слайдаларнинг нусхалари
3	Компьютер, ёзув доскаси	Жадвал
5	Компьютер таълим услубиётининг изчилигини таъминлаш	Педагогик технологияга оид дарсликлар, услубий қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуи ва

		кўрсатмали қуроллар ҳамда ўқув машғулотларнинг лойиҳалари, тест.
	-	Тест

**Учинчи вазифа,** Биринчи ўрта модул, яъни бир жуфт соатлик ўқув машғулотининг сценарийсини билиш бўлди. Унда барча кичик модуллар, уларда бериладиган билимлар тизими, уларни таълим олувчиларга етказишда қўлланиладиган ўқув машғулоти тили ҳамда педагогик услублар, ахборот технологияси ва дидактик материаллар ўз ифодасини топди. Қуйида мазкур сценарий келтирилган:

**“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети биринчи ўрта модул - назарий машғулот лойиҳасининг сценарийси**

**Биринчи кичик модул – “Талабалар билан танишиш ва уларни фан билимларини ўрганиш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган қоидалар”(15 дақиқа)**

*Салом-аликдан сўнг, ўқув жараёни бошланган деб ҳисобланади.*

Педагог, "танишув" ва "айтиб бериш" усулини қўллаб ҳамда ёзув доскаси ёки компьютердан фойдаланиб, ўқув машғулотини қуидагича бошлайди: Азиз талабалар, бугундан бошлаб сизлар “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўқув предмети билимларини эгаллашга киришасиз. Бу ўқув предметидаги билимларни эгаллаш учун сизларга ёрдам бериш вазифаси менга юклатилган. Менинг исми шарифим, илмий даража ва унвоним “ ”, \_\_\_\_\_.

Бу ўқув предмети билимларини эгаллаш жараёнида фаол қатнашиб, ҳар бир ўқув машғулотнинг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қилсангиз, албатта қўзланган натижаларга эришасиз.

Энди сизларни ўқув машғулоти жараёнида доимо амал қилиниши шарт бўлган бир нечта қоидалар билан таништираман. Сизлар бу қоидаларни конспект дафтарингизнинг биринчи бетига чиройли қилиб ёзиб қўйинг ва уларга доимо амал қилиб юринг.

Педагог, ўқув машғулоти жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар ёзилган плакат ёнига келиб, сўзини давом эттиради.

**Изоҳ:** Сценарийда курсив билан ёзилган гаплар таълим олувчилар учун, конспект дафтарларига ёзиш учун тавсия этилади.

**Ёзинглар!** Биринчи қоида, дарсга кеч қолмай, усти-бошингиз саромжон-

*сарийшта бўлиши билан бирга, ўқув муассасасига билим эгаллаш иштиёқи билан келинг.*

**Сўз орқали:** чунки, ҳар қандай билимни эгаллаш учун, анчагина ақлий қувват сарфлаш талаб этилади. Агар кишида, бу фаолиятга иштиёқ бўлмаса, бундай қувват унда пайдо бўлмайди. Иштиёқ ва унинг натижасида келиб чикувчи қувват сизда бўлмаса, ўқув машғулоти жараёнида билим ололмайсиз, демакки ўқув машғулотининг олдига қўйилган мақсадга ҳам ета олмай руҳий азоб чекасиз. Бу дегани, сизда ўринсиз чарчоқ ҳисси ҳосил бўлиб, бир жуфт соатлик умрингиз зое кетган бўлади ва умрингизни увол бўлиб қолишига сабабчи бўлиб қоласиз. Умрни беҳуда сарф қилиш эса, катта гуноҳлардан ҳисобланади, чунки умрни қайтариб бўлмайди.

**Ёзишни давом этказинг! Иккинчи қоида.** Ўқув муассасасига билим олиши мақсадида келар экансиз, фикрингизни педагогнинг сўзларига жамлашни ўрганинг, яъни диққат қилиб, бутун вужудингизни билим эгаллашга тайёрланг. Диққат қилиб билим эгаллашининг асосий қоидаси. "Диққат билим эгаллашининг эшигидир" деган эди буюк русс педагоги Константин Дмитриевич Ушинский.

**Сўз орқали:** диққат қилмасдан туриб, билим эгаллашдек эзгу мақсадингизга ҳеч қачон эриша олмайсиз. Унутманг-ки узоқ вакт, яъни 2-3 дақиқа диққат қилиб ўтириш анча мураккаб, канчалар хоҳламанг 1-2 дақиқадан кейин диққатингиз тарқалиб кетаверади, бу табиий ҳол албатта. Шунинг учун ҳар дақиқада диққатингизни ўқитувчининг сўзларига, ўзингизни мажбурлаб қайтариб туришингиз зарур, бўлмаса диққат қилиш амалини бажара олмайсиз, чунки, ўқув жараёнидаги билимларни эгаллай хам олмайсиз.

**Ёзинг: Учинчи қоида.** Педагогни диққат билан эшишиб, сўзларининг муҳим жойларини конспект дафтарингизга ёзиб боришингиз лозим.

**Сўз орқали:** ўқув жараёнида саволлар пайдо бўлиб қолса, уларни дафтарингизнинг бир четига албатта ёзиб қўйинг ва қулай вакт топиб, саволларингизга жавобларни олинг.

**Ёзишда давом этинг: Тўртинчи қоида.** Ўқув машғулоти жараёнида тушуниб етган билимларингизни кўникмангизга айлантириши мақсадида, уларни дарсдан ташқари пайтларда, уйда қайта ва қайта тақрорлаб туринг, қанча кўп қайтарсангиз шунчалик билим вужудингизга сингиб, кўникмангизга айланиб бораверади. Агарда қайтариб турмасангиз билимингиз эсдан чиқиб кетади.

**Бешинчи қоида.** Уйга берилган вазифани ўша куннинг ўзидаёт

*бажаринг. "Эртага бажараман" деган хаёлга борманг! Чунки эртаси куни бугун эгаллаган билимларингиз тўлиқ эсдан чиқиб кетади. Бу қонуният, унга бўйсунмай иложимиз йўқ.*

**Педагог, шу ўқув предмети бўйича тузилган адабиётлар руйҳати ифодаланган плакат олдига келиб, таълим оловчиларга қуидаги сўзлар билан мурожаат қиласди: Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва уйда мустақил ишлашингиз учун, қуидаги адабиётларни тавсия этамиз.**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат - Т.:ТДПУ,2003.

4. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 2001. 354 б.

5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. -М.: "Педагогика" 1989.

6. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. "Педагогик технология: замонавий ўзбек миллий модели". -Т:, Lider - Press, 2009.

7. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши. Насаф, 2000.

8. Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига тадбиғи ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. -Т:, Мумтоз-Соз, 2010.

9. Тожиев М., Алихонов С. “Математика ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўқув предмети ўқув машғулотларининг лойихалари//ўқув қўлланма. Тошкент, ОЎМКХТРМ, 2013. -186 б.

### **Иккинчи кичик модул – “Жаҳондаги дидактик тизимлардаги асосий ғоялар” (15 дақиқа)**

**Педагог, "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскасидан фойдаланиб, ўқув машғулотини давом эттиради: Азиз талабалар! Ўқув предметимизнинг номи "Педагогик технология ва педагогик маҳорат" деб номланиб, у ўқитиш технологияси**

мазмунини беради, шунингдек, уни ўқитишнинг қатъий йўл-йўриғи деб тушунса ҳам бўлади. Айтингчи, авваллари ҳам ўқитишнииг йўл-йўриқлари бўлганми?

**Мумкин бўлган жавоблар:** биринчи талаба - бўлган; иккинчи талаба - бу масала энди кўтарилиган бўлса, демак бўлмаган. Бу фикрларга қўшиладиганлар борми? Биринчи фикрга ким қўшилади? Бир нечта қўллар кўтарилиди. Иккинчи фикрни ким тўғри деб ўйлайди? Яна бир неча қўллар кўтарилиди. Бошкалар ҳали ўз фикрларига эга бўлишмаяпти.

**Педагог талабалар жавобини ёзув доскасига ёзиб сўз орқали машғулотни давом эттиради:** кўриб турганингиздек фикрлар бўлинди, бу табиий ҳол. Аммо, иккала фикрни ҳам тўғри деса бўлади. Биринчи фикрни давом эттирасак, ўқитишнинг йўл-йўриқлари олдин ҳам бўлган, фақат улар ўқитиш усуллари деб номланган. Иккинчи фикрни давом эттирадиган бўлсак, у ҳам тўғри, ўқитиш усуллари бўлган-у, ўқув жараёнини катъий бир қолипга солувчи таълим технологияси бўлмаган.

**Ёзинглар!** *Педагогик технология ўқитиши усулларининг энг замонавий тури бўлиб, ўқув жараёнидаги, педагог ва таълим олувчилар ҳаракатини қатъий белгилаб беради, шунингдек, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бу жараённинг фақат аъло даражада бўлишини таъминлайди.*

**Сўз орқали:** чунки педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотининг лойихасини тажрибали педагоглар ёки олимлар тузади. Унинг бошқа хусусиятлари ҳам бор, уни кейинроқ айтамиз.

Ҳозир сизларни Европа тарихида ўтган ва уларнинг педагогик гоялари асосида, инсоният 300 йилга яқин давр мобайнида, аҳоли таълим ва тарбиясини амалга ошириб келган буюк алломалар билан танишираман. Сизлар диққат билан қулоқ солиб, муҳим жойларини конспект дафтарларингизга қайд қилиб боринг.

**Ёзишни давом эттиринг!** XV-XVI асрларда бўлиб ўтган, Европа "Уйғониши даври" ер юзига ўнлаб маориф олимларини етишитириб берди. Шуларнинг энг машҳури, педагогика назариясига салмоқли ҳисса қўшган ва 1592-1670 йилларда яшаб ўтган олим **Ян Амос Коменский** бўлган. У 1632 йили "Буюк дидактика" деган катта педагогик асарни ёзган. Бу асарида аллома "ўқитиши табиийликка бўйсуншии керак" деган фикрни илгари суради. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиши жараёни табиатдаги ўсиши жараёнига ўхшаи бўлади, дейди Коменский. Шунинг учун болани тарбиялагандা, боғбон дарахтнинг биологик ўсиши қонуниятини ҳисобга олгани каби, педагог ҳам боладаги табиий билиш хусиятини ҳисобга олиши шарт. Коменский ўқишига

ҳамма тортимишни, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини уқтиради. У биринчи бўлиб синф-дарс тизимини ишилаб чиқди. "Буюк дидактика" асарида ўқитишнинг дидактик принциплари берилиб, ўқув жараёнида ўқитувчи уларга суюниши кераклигини уқтироди. Унумтманг-ки ҳар қандай принцип, яъни тамойил негизида қандайдир қонуният ётади. У мактабда ўқув йили кузда 1 сентябрдан бошланиши ва уни чоракларга бўлиши, чораклар орасида таътиллар берилиши, ўқув кунини она тили мактабида 4 соат, лотин мактабида 6 соат қилиб белгилаб берган. Ўқитиш усулларига келганда, Коменский "болаларга билимни зўрлаб бериб бўлмайди", деган фикрни айтган ва таълим-тарбиянинг юмишоқ усулини мақул деб билган.

**Коменскийдан кейин Иоган Генрих Пестолоций 1746-1827 йиллар оралигида туғилиб ижод қилган аллома** олим. У ҳам, "ҳамма одамлар таълим олиши ҳуқуқига эга бўлиши лозим", дея уқтирадар экан, мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришининг муҳим воситаларидан бири эканлигини таъкидлайди. Пестолоцийнинг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришининг энг муҳим воситаси, меҳнат одамнинг жисмоний кучинигина эмас, ақлини ҳам ўстиради, унда ахлоқни ҳам таркиб топтиради. Элементар таълим назарияси Пестолоцийнинг педагогик тизимининг ўзагидир, бу назарияга кўра тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, аста-секин мураккаброқ даражасага кўтарилиб бориши лозим. Болаларда ёзув малакасини ҳосил қилиш учун Пестолоций дастлаб ҳарф элементларини, тўғри ва эгри чизиқчаларни машқ қилишини биринчи бўлиб тавсия этган. Ўқитиш усулларига келганда, Пестолоций гуманист сифатида, юмишоқ усулда ўқитишни тўғри деб билган.

**Пестолоцийнинг замондоши Роберт Оуэн 1771-1827 йиллар оралигида** яшаб ижод этган. У ўзининг 1813 йилда нашрдан чиқсан "Жамиятга янгича қарашиб ёки инсонда характерни таркиб топтириши тўғрисидаги тажриба" деган асарида "кишининг характери, уни ўраб турган ижтимоий муҳим шароити билан таркиб топади", деб таъкидлайди. Одам, - дейди Оуэн, - ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратиши мумкин ҳам эмас. Унинг фикрича, агар биз ижтимоий муҳим шароитини ва тарбияни ўзгартирсак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин. У болаларга бир ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериши гоясини илгари сурган ва жаҳонда биринчи бўлиб ишичилар болалари учун мактабгача тарбия муассасасини барпо этди. Унинг таълим муассасасида ақлий ва жисмоний тарбия берилиб, болалар жамоа руҳида тарбияланар эдилар. Тарбия усулига келганда Роберт Оуэн ҳам юмишоқ усул тарафдори бўлган.

**Шу даврда Иоган Фридрих Гербард** (1776-1841 йилларда яшаб ижод қилган) ўзининг "Тарбия муассасаларидан келиб чиқсан умумий педагогика", "Психология дарслиги". "Психологияни педагогикага татбиқ қилиши тўғрисидаги хатлар", "Педагогикага доир лекциялар очерки" деган китобларида педагогика назариясига доир фикрларни баён қилиб берди. Гербард тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият берди. У педагогикага "тарбияловчи таълим" тушунчасини киритди ва таълимсиз тарбия бўлмайди, дея эътироф этади. Гербард таълим қизиқишиларнинг

хилма-хиллигига асосланиши лозим деб, қизиқшиларни олтита мустақил турга бўлади. У таълим босқичлари назариясини ишлаб чиқади, бу назария ҳамма мамлакатлар педагоглари орасида кенг тарқалади.

Европа ва АҚШда анъанавий ўрта мактаблар кўп жиҳатдан Гербард педагогикасига асосланган эди. Гербардинг болаларни бошқариши тизими кенг ёйилди. Бу тизим болалар ташаббусини бўзишига ва уларнинг катталарнинг обрўсига ҳеч сўзсиз бўйсундиришига қаратишган эди. Бу эса, ўқитишининг қаттиқ усули ҳисобланади.

**Шулар билан бир қаторда Адольф Дистерверг 1790-1866 йилларда яшаб ижод қилган.** У такомиллашиб борувчи таълим дидактикасини яратди, бу дидактиканинг асосий талабларини таълимнинг 33 қонун ва қоидаси тариқасида баён қилиб берди. Дистерверг таклиф қилган кўрсатмали таълим "яқиндан узоққа", "оддийдан мураккабга", "маълумдан номаълумга" ўтиши керак, деган қоидалар билан боғлиқ таълимдир. Дистерверг ўқитувчи ўрганиб олган нарсаларни унутиб қўймаслиги учун уни тез-тез тақрорлаб туришини зарурлигини маслаҳат беради. Дистервергнинг фикрича, "ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бера қўя қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топшига ўргатади". Ўқитиши усулiga келганда Дистерверг юмиюқ усулни қаттиқ усул билан аралаши қўллашни таклиф қилган.

Азиз талабалар, биз фақат Ғарбий Европадаги "Уйғониш даври" педагог олимлари фикрларининг бир қисмини кўриб чиқдик холос. Ўша ва ундан кейинги даврдаги, шу жумладан Марказий Осиёдаги, яна қайси педагогларни биласиз?

**Мумкин бўлган жавоблар:** шу даврда Марказий Осиёда Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқа жадидчи педагог олимлар ўтган.

**Педагог, баракалла, жуда тўғри жавоб, таълим-тарбия соҳасида улар қандай масалаларни кўтариб чиқишиган?**

**Мумкин бўлган жавоблар:** янги мактаб яратиш кераклигини айтишиган.

**Педагог, жуда тўғри, баракалла!** Жадидчилар эски, диний мактабларни янгилаш тарафдорлари эди. Бизга маълумки Улуғбек давридан кейин, темурийлар авлодларининг тахт талashiши натижасида, Марказий Осиё худуди жанг майдонига айланиб қолган эди. Шунда мавжуд бўлган кўпгина мактаб ва мадрасалар ёпилиб, фақат махаллаларда муллалар очган хусусий мактабларгина қолган эди. Улар болаларни ўқишига ёзишига ўргатиб бўлганидан кейин фақат диний билимларни ёд олишига ўргатар эдилар.

**Ёзинглар:** *Бизни ҳудудни Россия босиб олганидан кейин, Туронзамиnda "Уйғониш даври" бошланган. Бу даврнинг етук намояндлари, ҳозирги талабамиз айтганидек Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий,*

уларнинг раҳнамоси Маржоний ва бошқалар бўлган. Улар маҳаллий мактабларда диний билимлар қатори, дунёвий деб номланган тарих, математика, география, биология, мантиқ, фалсафа ва бошқа ҳаётга зарур бўлган билимлар берилиши тарафдорлари эдилар.

**Сўз орқали:** уларнинг эзгу ниятлари, тўлиқ бўлмаса ҳам, яқин ўтмишимизда амалга ошган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, аждодларимиз орзу қилган барча эзгу ниятлари амалга ошиши учун шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон файласуф ва педагог олимлари, енг шимариб, миллий педагогиканинг назарий ва амалий асосларини яратишга бел боғлаганлар. Иншооллоҳ, яқин йилларда бу мақсадга тўлиқ эришамиз. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун, сиз ёшлар, албатта ўз ҳиссаларингизни қўшишингиз шарт. Ватан сизники, ҳаёт сизники! Бу Ватанда эркин хаёт кечириб, Ватан истиқболини, шу жумладан миллий педагогиканинг истиқболини ҳам, сизлар белгилайсизлар.

Сизларга савол, шу ва кейинги даврлардаги яна қайси педагог олимларни, шу жумладан Россияядагиларни, биласизлар?

**Мумкин бўлган жавоблар:** яна Макоренкони биламиз.

**Педагог,** тўғри жавоб, яна кимларни биласизлар? Жавоблар йўқми?

Бўлмаса, Сизларга XIX аср охири ва XX асрдаги Россияянинг оқ ва қизил империяси давридаги педагог олимларни айтиб берай.

**Ёзинглар:** Россияда буюк педагог Константин Дмитриевич Ушинский, Надежда Константиновна Крупская, Сухомлинский, Макоренко ўтган; Марказий Осиёда Абай Қўнонбоев, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Кори Ниёзий, ва бошқаларни киритса бўлади. Бу олимлар ўз даврида педагогика назарияси ва амалиётига, баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшганлар.

**Сўз орқали:** улар тўғрисида батафсилроқ маълумотни "Педагогика тарихи" ўқув предмети орқали билиб оласизлар.

**Учунчи кичик модул – "Янги дидактика"нинг ғоялари ва таълим тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг тарихий зарурият эканлигини (15 дақиқа)**

**Педагог, "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскасидан фойдаланиб машғулотни давом эттиради:** Азиз талабалар, хозир сизлар билан педагогика назарияси ва амалиётига ҳисса қўшган педагог олимларининг бир қисми билан танишиб чиқдик. Маълум бўлдики, тахминан 300 йилдан бери педагогика назарияси ривожланиб тараққий этиб келаётган экан, шу давр мобайнида кўплаб дидактик тизимлар ва юзлаб таълим усуллари таклиф

қилинган ва амалиётда синаб кўрилган, аммо ҳаммаси ҳам ҳаёт синовидан ўтмаган. Сизларга савол, дунёда муваффақият билан фаолият олиб бораётган дидактик тизимларнинг қайсиларини биласиз?

**Мумкин бўлган жавоблар:** Ян Амос Коменскийнинг дидактик тизими.

**Педагог:** жуда яхши, яна қайсиларини биласизлар? Жимлик, демак билмайсиз. Бўлмаса мен сизларга айтиб берай! Аммо сизлар айтганларимни диқкат билан эшитиб, муҳим жойларини, конспект дафтарларингизга ёзиб боринг, келишдикми? Баракалла! Бошладик.

**Ёзинглар:** Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг педагогик амалиётига сингдирилиб, шу кунгача нуфузини сақлаб турганлари -учта. Бу ҳам бўлса, ҳозирги укамиз (ёҳуд синглимиз) айтган, чехиялик Я.А.Коменскийнинг дидактикаси, юқорида айтиб ўтганимиз, немис педагоги ва психологи И. Ф.Гербард ва америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюнинг дидактик тизимлариdir.

XX асрнинг биринчи ярмиларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи, Гербард дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида муваффақиятли синаб кўрди.

Ёзишни давом этинглар! Дьюи "ўқув жараёнида ўқитувчи эмас ўқувчи фаол бўлмоги лозим" деган таклиф билан чиқди. У ўқув жараёнида бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг хоҳишидан келиб чиққан бўлиши керак деб ҳисоблаган. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча, талабаларни ўқишдан совитиб, тафаккурини занглатади деб таъкидлаган. Дьюининг таълим-тарбия назариясига қўшган асосий ҳиссаси - бу "ақл юритишнинг тўлиқ жараёни дир". "Ақл юритиши тўлиқ жараёнининг етакчи ҳалқаси муаммонинг пайдо бўлиши", дейди Дьюи. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, ўқувчи ёки талаба қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва уни синаб кўради, нотўгри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва яна синаб кўради, бу жараён бир неча маротаба қайтарилганидан кейин, охир-оқибатда унинг тўгри ечимини топади, Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизим "муаммоли ўқитиши" усули деб номланди.

**Сўз орқали:** Бу учта дидактик тизимнинг бир талай ижобий томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик бир қатор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштирувчи дидактик тизим яратилди ва у "**"янги дидактик тизим"** деб номланди. Шунга яқин дидактик тизимни рус академиги Бабанский

ҳам кашф қилмоқчи бўлиб, уни "таълим жараёнини оптимизациялаштириш" деб номлаган. Янги дидактик тизимда, шу жумладан Бабанский ғоясида, илгари сурилган ғоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин эканлиги амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактик тизимларни энг яхши томонларини бирлаштирувчи янги дидактик тизим асосида ўқув машғулотини олиб бориш оддий педагоглар у ёқда турсин, тажрибали педагог олимлар учун ҳам қийнчилик туғдирди. Шу муносабат билан:

*Ёзинг! Барча ўқитувчи ва педагоглар фойдалана оладиган, ўзининг қатъий тузилмасига ва амалий якунига йўналтирилган ҳамда дунёдаги барча дидактик тизимларнинг яхши томонларини ўзида бирлаштира олиш хусусиятига эга бўлган ўқитишининг "Таълим технологияси" усули ишлаб чиқилди ва ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига татбиқ қилинди.*

**Тўртинчи кичик модул – "Таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган технология" (15 дакика)**

**Педагог "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскаси ва плакатдан фойдаланиб,**

**Сўз оркали:** Азиз талабалар! XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошлари фан ва техника соҳасида инқилобий ривожланиш даври сифатида тарихда жой олгани ҳаммамизга маълум. Бундай ҳолат, ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиб бориши, уларнинг янги турларини пайдо бўлиши, ўз навбатида бу эҳтиёжларни қисқа муддатда ва сифатли қондирилишининг йўлга қўйилишини тақозо этиши натижасида пайдо бўлди.

Ижтимоий зарурият маҳсулни бўлган ишлаб чиқариш соҳасининг турлари ва бу жараённи такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам куч сарфлаб юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини яратди. Моддий ишлаб чиқариш, хомашёларни қайта ишлаш соҳаларида технологик ёндошув юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндошув, муайян соҳаларда ислоҳотларни ташкил этиш, уларни муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютукларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий юксак технологияларнинг татбиқ этилиши бир қатор шарт-шароитлар асосида кечди, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнги

ютуқларига таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди. Бунинг учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириб боришга эришиш жамият ижтимоий ҳётида етакчи ўрин тутади.

Инсоният илк тараққиётининг қуи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда ва оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда.

*Ёзинглар: шунинг учун, мураккаб техника билан ишилай оладиган, ишилаб чиқарии жараёнини тўлақонли англаш имконига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижсобий ҳал эта оловчи малакали мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндошув асосида ташкил этишини тақозо этмоқда.*

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқликда ривожланиб бораётган "педагогика" фанининг вазифалар доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларида самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам кўндаланг қўйилган.

*Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажсак сари интилаётган Ўзбекистон жамияти таълим тизими олдига қўйидаги талабларни ўртага ташламоқда:*

*маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан, бир оз бўлса-да, ортда қолиб бораётган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун, аҳоли таълим мини жадаллаштириши ва самарадорлигини ошириши мақсадида энг илгор педагогик усуllibардан фойдаланишини;*

*фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириши учун вақтнинг чегараланганилиги;*

*кишилик жамияти ўз ривожсининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ амалий якунга йўналтирилган, техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;*

*ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби, уларнинг тафаккурини кенгайтирувчи ва энг илгор билим бериши усули ҳисобланган объектив борлиқка "Мажмуавий ёндошув" тамойилидан кенг фойдаланишини талаб қилишишадир;*

*Ўзбекистон жамияти жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбияда **дебсиниши** ва умумий тараққиётдан орқада қолиши сезилмоқда. Бундай нохуши вазиятдан чиқиб кетиши иўлларидан бири —*

*таълим-тарбия жараёнини ривожлантириши мақсадида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Давлат стандартларига жавоб берувчи "Таълим технологияси" тамоиллари асосида лойиҳалаштиришидир.*

**Бу усулни бошқа таълим усулларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:**

"Педагогик технология" объектив нарса ва ҳодисаларга "мажмуавий ёндошув" тамоили асосида яратилган бўлиб, тўлиқ унинг қонун ва қоидаларига буйсунади. Бошқа педагогик усуллар, тузилиши жиҳатдан эркин бўлиб ўқув жараёнининг маркиби, унда қўлланиладиган усуллар ва ахборот-коммуникацион технологиялар ўқитувчи ихтиёрида бўлган;

Педагогик технологиянинг асосий мақсадига эришиши босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва талаб қилинадиган воситалар ҳамда педагогик усулларнинг аниқ қўлланиладиган жойлари белгиланади. Бошқа педагогик усулларда таълим-тарбия жараёнининг якунида умумий мақсад қўйилиб, унга эришиши йўллари ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинган;

Педагогик технология универсал хусусиятга эга бўлиб, унинг асосида ўқув жараёнини ҳар бир мутахассис, аъло даражада бўлмаса ҳамки, ҳар ҳолда яхши амалга ошира олади. Дарснинг самарадорлигига педагогнинг маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди. Чунки ўқув жараёни, таълим технологияси тамоиллари асосида, аввалдан лойиҳаланади. Аввалги дарс бериши усулларини амалиётда қўллаш учун, маълум даражада ўқитувчининг педагогик маҳорати ва шахсий сифатлари етакчилик қилган;

Педагогик технология ёрдамида ўқув жараёни лойиҳаланиб, бу лойиҳани амалиётда қўллаганди, таълим жараёнини доимий ва тўлиқ назорат қилиши имкони мавжуд. Аввалари бундай имконият ўқитувчиларда бўлмаган;

Педагогик технология ёрдамида ўқув жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳа асосида ўқув машгулотларини амалга оширганда, натижаси таълим олувчиларда эгалланган билимларга қўниқма ҳосил қилиши билан якунланади. Бошқа педагогик усуллар ёрдамида ўқув жараёнини амалга оширганда, таълим олувчилар берилган билимларни зўрга эслаб қолардилар холос.

Педагогик технология Давлат таълим стандартларидаги кўрсаткичларга эришишини кафолатлайди ва сарфлаш талаб қилинган вақт, куч ҳамда воситаларни меъёр даражасида ушлайди. Бошқа педагогик усулларда бундай имконият йўқ.

**Бешинчи кичик модул – "Математика ўқитиш методикаси"**  
**таълим йўналишининг очилиши таълим жараёнини**  
**технология-лаштиришдаги инновация**  
**эканлигини" (10 дакика)**

**Янгиланган классификатор бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг такомиллаштирилган, тасдиқланган ҳамда босқичма-босқич татбиқ этилаётган ДТСда "Таълим жараёнини ўқув-**

*методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаши талаблари”да белгилан “педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машгулотларни лойиҳалаши” лозимлиги белгиланган.*

Зеро шундай экан, таълим-тарбия замирида фаолият юритувчи педагогларнинг келажакда, айниқса таълим сифатини тубдан яхшилашдаги аҳамияти нималардан иборат.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бугунги кунда, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондириш, тобора такомиллашиб бораётган технологияларсиз тасаввур қилиш мумкин. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида яққол кўриб турибмиз. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари мумкин қадар ҳал қилинмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатимизда замонавий мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу муаммони ижобий ҳал қиласдан туриб, мамлакат иқтисодиётини юксалтириб бўлмайди. Республикаизда баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1533-сонли қарори[5]га кўра 8 та билим соҳаси 6 та билим соҳасига келтирилди ва олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, янгилangan калассификаторга мувофиқ олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартларини яратиш унга мос дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш масалалари устувор вазифалар қилиб белгиланди.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгилangan Классификатори асосида ДТСлари агрегацияланиб, такомиллаштирилган ҳамда узвийлашган фан дастурлари яратила бошланганлиги ва мос равишда ўқув илмий адабиётларини нашр этиш, таълимнинг меъёрий-ҳукуқий хужжатларини такомиллаштириш улар билан таълим муассасаларини мунтазам

таъминлаш, олий таълим тизимида илм-фан натижаларини амалиётга қўллаш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиғи борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Олий таълим тизимида бакалаврлар тайёрлашда иқтисодиёт тармоклари, бошқарув ва хўжалик юритиш соҳаларида талаб этилаётган ихтисосликлар бўйича, магистратурада эса янада чуқурлаштирилган ва табақалаштирилган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишига эътибор кучайтирилди.

Таълим соҳасининг янги очилган фанларни ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлари давлат таълим стандартлари асосида амалий кўнгилларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, янги таълим йўналишларига киритилган фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуилар мазмунини модернизациялаш ҳамда амалиётга кенг тадбиқ этиши чоралари кўрилди.

Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар асосида фан дастурлари ҳамда замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич ишлаб чиқиши йўлга қўйиши ва унинг мазмунига педагогик технологияни сингдириш ва фанларнинг ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш шартлиги такидланди.

Шундай экан, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими ДТС ишлаб чиқишида, юқаридағиларни эътиборга олган ҳолда такамиллаштириш шарт.

Педагогик технология таълим-тарбия тизимининг зарурий қисми экан, унинг воситаси орқали таълим соҳасида туб бурилишни амалга ошириш мумкин. Маълумотлилик – маърифат асосини ташкил этувчи бош ғоя, табиат ва жамият алоқадорлигини англаб этиш, авторитар ва сохта тафаккур юритиш усулидан воз кечиши, сабр-бардош, қаноат, ўзгалар фикрини ҳурматлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш каби сифатларни шакллантиришдан иборатдир. Ушбу масаланинг ечими қайсиdir даражада таълимни технологиялаштириш билан чамбарчас боғлиқdir.

Таълим-тарбия мазмунига аждодларимиз ўгитлари, халқимиз миллий қадриятларини сингдириш баробарида, замонавий педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ қилмай туриб бу мақсаддга эришиб бўлмайди.

Айни вақтда, Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва күп соҳаларни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хуносалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришини жадаллаштиришни ҳам йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида айтилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қиласди

Бу муаммони ҳал қилиш учун республикамизнинг кўзга кўринган педагог олимлари билан ҳамкорликда илмий асосланган таълим технологиясини тадқиқ этиш йўлида бир қанча ишларни амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, системалар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқсан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатлада мавжуд педагогик технологиялар тамойилларига тўлиқ суюниб туриб, республикамиз педагогларига тушунарли бўлган ҳудудий педагогик технологиянинг миллий модели яратилди.

Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлида ўқув фанларнинг барча турдаги машғулотлари лойихаларини тузиш асосида модулли ўқитиш назарий асосланган бўлиб, бугунги кунда уни таълим жараёнига татбиқ этишга энг қулай фурсат долзарб масаладир. Бу долзарб масаланинг ечими сифатида, республика таълим жараёнидаги фанлар ўқув машғулотларининг илк лойихалари ишлаб чиқилди.

Аслида педагогик технология, анчагина мураккаб бўлиб, аввалги барча дарс бериш усулларининг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган, энг замонавий педагогик тадбирдир. Педагогик технологияда, дарс ва ўқув машғулотлари жараёнида амалга ошириладиган ишларнинг босқичма-босқич ва дақиқамадақиқа олдиндан лойиҳаси тузиб олинади. Шунда, ўқув машғулоти ва дарс жараёнида бериладиган таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари, қўлланиладиган восита ва дидактик материаллар лойиҳада кўрсатилади. Ўқув машғулотлар билим бериш ва уларни эслаб қолиш билан чегараланмай, талабалар берилган билимлар асосида амалий машқларни бажара олишади, барча талабаларнинг ўзлаштириши доимий назорат остига олинади ва ҳоказо. Педагогик технологияни таълим жараёнига татбиғи, барча таълим муассасаларидағи дарс ва ўқув машғулотларининг

фақат яхши ёки аъло даражада амалга ошишини кафолатлайди. Чунки, бўлғуси дарс лойихаларини олимлар ёки тажрибали педагоглар тузиб чиқсан бўлади.

Масалан, Таълим соҳасининг янги очилган “Математика ўқитиши методикаси” таълим йўналишида ўргатиш ва ўрганиш учта тоифадаги усулларни шакллантириш орқали эришилмоқда. Яъни, биринчи тоифадаги усуллар “анъанавий усуллар” аталиб, талаба-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланади, иккинчи тоифадаги усуллар ноанъанавий ёки “интерфаол усуллар” деб номланиб, билим оловчиларни билим эгаллашларида “фаоллаштириш” тамойилига асосланади ва учинчи тоифадаги усуллар эса “илғор ёки замонавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини “жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқилади. Натижада, таълим сифати ва самарадорлиги тубдан яхшиланишни таъминлайди ва Республикада илм-фани ва таълим-тарбияни жадал ривожланишига олиб келади.

Таълим муассасаларидаги масъуллар педагогик технологияни оммалаштиришга ўз ҳиссаларини қўшган тақдирдагина таълим-тарбия соҳаси янада тараққий этади. Фақат шундагина олдимизга қўйилган буюк мақсадга етаоламиз.

### **Олтинчи кичик модул (10 дакиқа)**

**Педагог, "Мулоқот" ва "Фронтал сўров" усулларини қўллаб ҳамда ўзи тузган "тест"дан фойдаланиб, ўқув машғулотига якун ясайди.** Азиз талабалар! Шу билан биз «Таълим технологиялари» ўқув предмети тўғрисида умумий маълумотга эга бўлдик. Яъни, ўқув машғулотларини амалга оширишнинг технологиялашган усулининг пайдо бўлиш сабаблари, бу усул пайдо бўлмасидан олдин ўқув машғулотларини олиб бориш усуларининг турлари, бу усулларни таклиф қилган аллома ва олимлар хақида маълумотлар, шунингдек, бошқа бир қатор билимларга эга бўлдик. Шу мавзу бўйича сизда қандай саволлар пайдо бўлди? Марҳамат!

**Мумкин бўлган саволлар. Савол:** агар "Таълим технологияси" инсоният кашф қилган барча усулларнинг энг яхши томонини ўзида мужасамлаштирган бўлса, унда аввалги ҳамма усуллар бекор қилиниб, улардан фойдаланиб бўлмайдими?

**Жавоб:** яхши савол. Туридан қатъий назар, ҳар қандай педагогик усулларни маъмурий йўл билан бекор қилиб ёки мажбурлаб ўқув жараёнига киритиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай

усулни эгаллаб олиш ва уни педагогнинг шахсий усулига айлантириш учун анча вақт талаб қилинади. Шунинг учун мазкур ўқув предмети бўйича тавсия қилинаётган “Таълим технологияси”ни ҳар бир ўқитувчи ва педагог йиллар давомида босқичма-босқич эгаллаб, ўзининг педагогик фаолиятига сингдириб боради. Бу жараён қанчалик тез ўтса, нафақат педагогнинг ўзи учун, балки таълим олувчилар учун хам ва маъмурият учун ҳам шунчалик самарали натижа беради. Шунинг учун аввалги ўқитиш усуллари маълум бир вақтгача сақланиб туради. Жавобим қониқарли бўлдими? Яна саволлар борми?

**Савол:** Педагогик технология усули Ўзбекистонга қачон кириб келди?

**Жавоб:** XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб.

**Саволнинг давоми:** ундан бўлса, 20 йилча бўлибди-да, нега шу вақтгача у кенг тарқалмади?

**Жавоб:** мен айтидим-ку ҳар қандай янги усулни амалиётга сингириш учун бир неча йиллар талаб қилинади. Ундан ташқари, хорижга бориб «Таълим технологиялари»ни ўрганиб келган мутахассислар, сафарга борган мамлакатининг педагогик технология моделини ўрганиб, уни ҳудудимизга мослаштирмай туриб, педагогик жамоатчиликка тақдим қилдилар. Амалиёт шуни кўрсатдики, хорижда кашф қилинган ҳар қандай усулни ўз ҳудудига кўллаганда, шу усулнинг тамойилларидан тонмаган ҳолда, уни қайта ишлаб, ҳудудга мослаштириш керак экан. Бу вазифани Ўзбекистоннинг педагог олимлари кейинроқ англаб етиб, Педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини фақат 2000 йилдан кейин ишлаб чиқдилар ва уни 2009 йили нашрдан чиқардилар, адабиётлар рўйхатига қаранг. Яна саволлар борми? Бўлмаса шу билан биринчи назарий ўқув машғулотимизни якупнаймиз.

**Дафтaringизга ёзиб қўйинг!** Уйингизда, мустақил равишда ишилашингиз учун тавсия этилган адабиётлар билан танишиб, аниқлаган интерфаол педагогик усулларнинг бир нечтасини ёзиб келинг. Интерфаол усулининг янги турини ўзингиз кашиф қилсангиз ҳам бўлади.

Юкорида биз фақат бундай усулларнинг бир қисмини айтиб ўтдик холос. Эслатиб ўтаманки, педагогик технология педагогик усулларнинг энг охиргиси, энг янгиси бўлгани билан аввалги усуллар бекор қилинмаган, бу усуллар педагогик технологиянинг тамойиллари асосида ўқув машғулотининг лойихалаш жараёнида,

унга услуг базифасини ўтайди. Шунинг учун педагогик усулларнинг анъанавийсими, интерфаолларими, уларнинг барчасини ўрганиб олишингиз керак.

**Шу билан, ўқув машғулотимиз тугади, яна учрашгунча ҳайр, омон бўлинглар!**

\* \* \*

**“Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш”  
ўқув предмети битта амалий машғулот лойиҳаси**

**Биринчи ўрта модул иккинчи кичик модулинииг  
амалий машғулот лойиҳаси**

Амалий машғулот, назарий машғулотга нисбатан, таълим олувчиларнинг мустақил фикр юритиб, айтиб ва кўрсатиб бериш йўли билан амалга ошганлиги учун ва педагог таълим олувчилар фаолиятини бошқариб туриши муносабати билан, бу жараённи лойиҳалашда фақат ўқув машғулотини модулларга ажратиб, уларнинг мақсадларини, уларга ажратилган вақт ва қўлланиладиган ўқув машғулоти типи ва педагогик усулларини хамда назорат саволларини ифода этувчи жадвалларни тузиш билан кифояландик.

**Мавзу: Ер юзидаги дидактик тизимлар ва "таълим  
технологияси"нинг яратилиш шарт-шароитлари**

**2.1-жадвал**

Иккинчи ўрта модул амалий машғулот таркибидаги кичик модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт

М/М т/р	Микро модуллар ва уларнинг олдига қўйилган мақсадлар	Ажратилган вақт
1.	Аввалий назарий машғулотда эгалланган билимларни савол-жавоб орқали эслаш ва амалий машғулот давомида ечиладиган саволларни ёздириш орқали таълим олувчиларни бу билимлар билан таништириш.	10 дақиқа
2.	Таълим олувчиларнинг уйига берилган вазифани текшириш орқали, уларни мавзудаги билимларни ўзлаштириб олганлик даражасини аниқлаш ва таълим олувчиларнинг бирламчи рейтингларини қўйиб чиқиш.	15 дақиқа
3.	Европа “Уйгониш даври”даги педагогик олимларнинг педагогика назарияси ва амалиётига қўшган ҳиссаларини, таълим олувчиларнинг ўзларига бирмабир айттириб, назарий машғулотда эгаллаган ва уй вазифасини бажаришда мустаҳкамланган билимларини	15 дақиқа

	уларнинг кўникмаларига айлантириш.	
4.	Таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш муаммосига таъсир этган омилларни таълим олувчиларнинг ўзларига айлантириб, бу борадаги билимларини кўникмаларига айлантириш.	15 дақиқа
5	Таълим олувчилар назарий машғулот давомида эгаллаган, таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишда математика ўқитиш жараёнини лойихалашдаги ўрни тўғрисидаги билимларини, ўзларига айттириб, кўникмаларига айлантириш.	15 дақиқа
6.	Амалий машғулотни якунлаш ва таълим олувчилар йўл қўйган хатоларини тўғрилаб, уларнинг шу машғулот якуни юзасидан рейтингларини чиқариш.	10 дақиқа

## 2.2.-жадвал

Иккинчи ўрта модул таркибидаги кичик модулларда қабул қилинган ўқув машғулотининг типи ҳамда қўлланиладиган педагогик усуслар

М/М т/р	Ўқув машғулотининг тури ва типи	Қўлланиладиган педагогик усуслар
1.	“Эгалланган билимлар билан бирламчи танишиш”	“Савол-жавоб”, “Айтиб бериш”
2.	“Текширув”	“Тушунчалар таҳлили”
3.	“Эгалланган билимларни амалиётда қўллаш”	“Заковатли зукко”, “Бумеранг”
4.	“Эгалланган билимларни амалиётда қўллаш”,	“Заковатли зукко”, “Бумеранг”
5.	“Эгалланган билимларни амалиётда қўллаш”, “Кўникмалар ҳосил қилиш”	“Заковатли зукко”, “Бумеранг”
6.	“Текширув”	“Тушунчалар таҳлили”

## 2.3-жадвал

Иккинчи ўрта модул таркибидаги кичик модуллар ва уларда қўлланиладиган саволлар

М/М т/р	Назорат саволлари
1.	Аввалги назарий ўқув машғулотида қайси мавзуни ўтган эдик? Бу мавзуда қандай саволлар ишлаб чиқилди?
2.	-
3.	Европа “Уйғониш даври”даги педагогик олимлардан қайсиларини биласиз? Улар педагогика назария ва амалиётига қандай хисса қўшган?
4.	ХХ асрга келиб таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга қандай омиллар таъсир этган?
5.	Таълим жараёнини жадаллаштиришда “Таълим технологиялар” қандай вазифани бажарадилар?

Шундай қилиб муайан бир, ўқув предмети мавзуининг назарий ва амалий машғулотлар лойиҳаларини тузиш амалиёти вужудга келди.

\* \* \*

## Ўқув машғулотининг типи ва турлари

1-илова

### Ўқув машғулотининг типи ва турлари

Ҳар қандай нарса ва ҳодисани таснифлаганда, уларга шу нарса ёки ҳодисанинг бирон бир хусусияти асос қилиб олинади. Ўқув машғулотларини ҳам таснифламоқчи бўлсак, шу умумий қоидага риоя қиласиз.

Ўқув машғулоти мантиқий тузилиши ва билиш жараёнининг характеристига қараб қуйидаги **ТИП**ларга ажралади:

- **кириш дарслари;**
- **эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш;**
- **янги билимларни эгаллаш;**
- **эгалланган билимларни амалиётда қўллаш;**
- **кўникмалар хосил қилиш;**
- **умумлаштириш;**
- **қайтариш ва мустаҳкамлаш;**
- **текширув;**
- **аралаш дарслар.**

Ўқув машғулотлари уларни ўтиш асосига қараб, қуйидаги Турларга ажратилади:

**1.а) маъруза; б) сұхбат; в) кино; назарий ўқув машғулоти; аралаш ўқув машғулоти.**

**2.а) мустақил иш; б) лаборатория ишлари; в) амалий ишлар; экскурсия.**

**3.а) оғзаки сўраш; б) ёзма синов; в) синов; г) синов амалий назорат; д) назорат иши; е) аралаш синов.**

\* \* \*

## ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар

### 2-илова

Ўқув машғулотини амалга ошириш усуллари

#### *Анъанавий усуллар*

*Анъанавий усуллар деганда, ўқув жараёнининг марказида ўқитувчи ёки педагог бўлган, таълим оловчилар эса нисбатан пассив иштирок этадиган усуллар тушунилади.*

Анъанавий таълим усулларига **маъруза, намойиш, тақдимот, савол-жавоб ва тўрт поғонали** усуллар киради.

*Изоҳ. Ўқув машғулотларида ўтиладиган мавзу анча мураккаб бўлганда, анъанавий усуллар бирдан-бир қўлланиладиган усуллар бўлиб қолмоқда.*

#### *"Маъруза" усули*

**Маъруза - катта ҳажмидаги ўқув материалини нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этишидир.**

Бу усул бутунлай "сўзлаш" орқали амалга ошириладиган ўқитиш туридир. У 40 дақиқа ёки ундан узоқроқ давом этади ва одатда таълим оловчиларнинг иштироки учун ҳеч қандай имконият қолдирмайди.

Маърузани тушунарлилигини таъминловчи жиҳатлар:

- фикрни содда тилда баён этиш;
- маъруза тузилмасининг мантиқан тўғри тузилганлиги;
- фикрларни тўғри ва лўнда ифодалаш;
- таълим оловчиларни рағбатлантириб туриш;
- нотиқлик, равон гапиринг ва тўғри талаффуз.

**Маърузанинг тузилмаси:** маъруза одатда уч қисмдан - кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлади.

**Кириш қисмида** қутлаш, мавзу, мақсад, ташкилий саволлар, кизиқиши уйғотиш (мотивация).

Асосий қисмда I асосий фикр, 2 асосий фикр, 3 асосий фикр ва ҳоказо фикрлар берилади.

**Якуний қисмда** холоса, умумлаштириш, ўзлаштирганлик даражасини текшириш ва уйга вазифа.

**Маъруза усулининг самарали бўлишининг шартлари қўйидагилар:**

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- дарснинг тўғри ташкил қилиш ва маъруза режасини баён қилиш;
- режанинг хар бир қисмини ёритгандан сўнг кисқа умумий хулоса чиқариш;
- маърузанинг қисмидан кисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларини ажратиш ва ёздириш;
- маърузанинг алоҳида холатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар машғулотлари ва бошқа амалий машғулотлар билан мустаҳкамлаб бориш.

### **"Тўрт поғонали" усул**

*Бу усул - амалий қўникмаларни ўзлаштириши жараёнининг тўрт поғона доирасида олиб бориладиган усулдир.*

Бу усул таълим оловчиларга бир хилда такрорланадиган қўл қўникмаларини тез ва мукаммал ўрганиб олишларига ёрдам беради. "Тўрт поғонали" усул кўлланилганда, таълим оловчилар иложи борича оддий операциялар билан таништирилади, сўнг уни такрорлайдилар ва то мукаммал ўзлаштирмагунча, қўникма ҳосил бўлмагунча, машқ қиласидилар.

### **Бу усул қўйидаги босқичлардан иборат:**

- тушунтириш;
- нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;
- кўрсатилган тарзда қайтариш;
- машқ қилиш.

1. "Тушунтириш" босқичида педагог таълим оловчиларга аввал оддий операция босқичини тушунтириб беради.

2. "Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш" босқичида педагог таълим оловчиларга топшириқни кандай бажариш кераклигини амалда кўрсатиб беради.

3. Учинчи босқичда таълим оловчилар педагог кўрсатган иш ҳаракатларни такрорлайдилар. Педагог таълим оловчилар бажараётган ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларини тўғрилаб туради.

4. "Машқ қилиш" босқичида таълим оловчиларнинг ҳатти-харакати педагог томонидан назорат қилиб борилади. Таълим оловчилар иш амалларини мукаммал ўзлаштирганларидан сўнг, уни мустақил бажарадилар, натижада аввал эгаллаган билимларини

ўз кўникмаларига айлантириб улгурган бўладилар.

### **3-илова**

#### **Интерфаол усуллар**

*Интерфаол усуллар деганда, таълим олувчилар фикрини фаоллаштириб, уларни мустақил фикр юритишга ундовчи ҳамда таълим жараёнининг марказида таълим олувчи турган педагогик усуллар тушиунилади.*

Бу иловада интерфаол усулларнинг педагогик жамоатчилик орасида кенг тарқалганларининг 26 чиси келтирилган, улар ўзаро фарқлансалар ҳам умумий мақсадлари бир, яъни таълим олувчиларни ўқув жараёнида фаоллаштиришдир. Бундай усулларни ҳар бир педагог, умумий мақсадга биноан, ўзи яратиб олиши ёки педагогик адабиётлардан танлаб олиши мумкин, бундай интерфаол усулларнинг сони, бугунги кунда, 100 дан ошиб кетган.

#### **Танишув" усули**

*Бу усул ўқув жамоаиси шитирокчилари бир-бирлари билан таништириб, самимий дўстона муносабат ва ижодий билим эгаллаш мухитини юзага келтиришга хизмат қиласиди.*

#### **1-вариант**

**Бу вариант асосида ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:**

Педагог таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, ҳар бир гуруҳга "Келинг танишайлик!" мавзуси ёзилган тахминан куйидаги мазмундаги тарқатма материални бериб чиқади:

1. Сизлар ким ва нима мақсадда бу ерга тўпландинглар?
2. Сизларни нима бирлаштиради?
3. Сиз учун энг қимматли нарса нима?
4. Ўқув жараёнида сизларга нима ёрдам беради ва нима халақит киласиди?
5. Кимлар билан ҳамкорлик қиласизлар?
6. Нималарни ўзингиз ва нималарни биргаликда ҳал қиласизлар?
7. Сизнинг энг кучли ва кучсиз томонларингиз нима?

Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалдаги саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўрадилар ва тайёрланиш жараёнида улар бир-бирлари билан танишиб оладилар.

Педагог гуруҳларни жавобларга тайёрланиши учун маълум бир вақтни белгилайди.

Гуруҳларнинг жавоблари тайёр бўлгач, навбати билан ҳар бир

гурухдан бир киши тайёрланган материалини тақдим қилади.

Педагог гурухлар тақдимоти учун вақт белгилайди. Барча гурухлар тақдимоти тугагач, педагог танишувни якунлаб, машғулотни давом эттиради.

Одатда, таълим олувчилар сонига қараб танишув 15-20 дақиқа мобайнида ўтказилади. Бу педагогнинг ташкилотчилик қобилияти ва маҳоратига боғлиқ.

## **2-варианти**

**Бу вариант асосида ўкув машғулотини олиб бориш тартиби:**

Педагог - таълим олувчиларни туғилган фаслидан келиб чиқиб, кичик гурухларга ажратади ва қуйидаги топшириқни беради:

1. Ўз туғилган фаслингизни бадиий, мусиқий, саҳнали, ҳазил-мутойиба ва ҳоказо кўринишида тавсифлаб беринг.

2. Йилнинг шу фаслида туғилганларнинг умумий характери билан гуруҳ катнашчиларининг умумий ўхшашликлари ва ўзига хос томонлари билан таништиради.

3. Таълим олувчилар бу фаслдаги фаолиятини сўзлаб берадилар.

4. Бошқа фаслдаги гуруҳ қатнашчиларига бағишлиланган фикр ёки бағищловлар ҳамда тилаклар билдирилади.

5. Педагог берилган топшириқни таълим олувчилар томонидан бажариши учун тайёрлашга вақт ажратади ва уларни тақдимот қоидалари билан таништиради ва таълим олувчиларни тайёрланиши учун шароит яратади.

6. Гурухлар ўз ижодини бошлайдилар ва тақдимотга тайёрланадилар.

7. Гурухлар тайёрлаган ижодий ишларини намойиш этадилар.

Охирида педагог танишиш машғулотига якун ясар экан, таълим олувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб, уларни очиқ мулоқотга чақиради:

1. Гуруҳ қатнашчилари бир-бирлари ҳақида нималарни билиб олишди?

2. Қандай савол ва муаммолар ҳал қилинди?

3. Ҳар бир таълим олувчи ўзи учун қандай хулоса чиқарди?

**Педагог таълим олувчилар билан танишишда ўзининг бошқа қизиқарлироқ вариантидан ҳам фойдаланиши мумкин.**

## **"Ақлий ҳужум" усули**

*Муайян ўқув предметининг дастуридан келиб чиқсан ҳар бир*

*муаммо ечимини талабалар жамоасига ҳавола қилиб, улар томонидан билдирилган фикрларни тўплаб, шу асосда маълум бир ечимга келинадиган усулдир. Бу усулнинг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.*

**"Ақлий хужум" усули педагог томонидан қўйилган қуидаги мақсадларга қараб амалга оширилади:**

1. Таълим оловчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу усул ўқув жараёнининг кириш қисмида амалга оширилади;

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейиги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда, янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади;

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда, асосий мавзуни ўтиб бўлинганидан сўнг амалга оширилади.

**"Ақлий хужум" усулини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Талабалар томонидан билдирилган фикрлар танқид қилинмайди ва баҳоланмайди;

2. Билдирилган ҳар қандай фикр, у ҳатточи нотўғри бўлса ҳам инобатга олишади;

3. Фикр беришда ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.

Бу усулнинг босқичлари қуидагicha:

1. Таълим оловчиларга муаммоли савол қўйилади ва уларга шу савол бўйича ўз фикрларини билдиришлари сўралади;

2. Таълим оловчилар саволга жавобан ўз фикрларини билдирадилар;

3. Таълим оловчиларнинг фикрлари доскага ёзиб борилади;

4. Билдирилган фикрларининг маълум белгилари бўйича гурухланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади ва қолган жавобларга шарҳ берилади.

**"Кичик гурухларда ишлаш" усули**

*Таълим оловчиларни фаоллаштириши мақсадида, уларни кичик гурухларга ажратган холда ўқув материалини ўрганиши ёки берилган топширикни бажаришга қаратилган ўқув жараёнидаги талабаларнинг ижодий иши.*

Ушбу усулни қўллаганда таълим оловчи жамоада ишлаш ва ўқув жараёнида фаол иштирок этишга ҳамда бошловчи ролида бўлишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлашга ўрганади.

Педагог ушбу усулни қўллаганда, бошқа интерфаол усулларга

қараганда вактни тежаш имконига эга бўлади. Чунки бунда барча таълим олувчилар мавзуга жалб этилади.

Бу усулнинг босқичлари қуйидаги:

1. Педагог томонидан фаолият йўналиши аниқланади, мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади;
2. Кичик групкалар аниқланади ва топшириқлар берилади. Групкалар 3-6 кишидан иборат бўлиши мумкин;
3. Кичик групкалдаги талабалар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Педагог аниқ кўрсатмалар бериб, таълим олувчилар фаолиятини йўналтириб туради;
5. Кичик групкалар бажарган ишларини тақдимот киладилар;
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва тахлил қилинади;
7. Ҳар бир кичик груп баҳоланади.

### **"Давра сұхбати" усули**

*Айлана стол атрофида, ўртага ташланган муаммо ёки савол юзасидан, таълим олувчилар томонидан билдирилган фикрлар орқали ўқув машгулоти олиб бориладиган педагогик усул.*

Бу усул қўлланилганда стол-стуллар доира шаклида жойлаштирилади. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан "кўз алоқаси"ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.

Оғзаки давра сұхбатида педагог мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан муайян савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикрини оғзаки баён этади. Сўзлаётган талабани барча дикқат билан тинглайди, агар бошқаларни бу фикрга эътирози бўлса, барча фикрлар тингланиб бўлинганидан кейин муҳокама даврида ўз мулоҳазасини айтади.

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт берилади. Педагог ўртага ечилиши лозим бўлган муаммони қўяди. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига муайян муаммо бўйича унга берилган саволни ёзади ва "жавоб варақа"сининг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган талаба ўз жавобини "Жавоблар варақа"сининг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги биродарига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб

ҳаракатланади. Яқуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Бу усулнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув машғулотининг мавзуси эълон қилинади.
2. Педагог талабаларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим оловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим оловчи бўлса, шунчадан "Жавоблар варақаси" тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгиланади. Таълим оловчилар конвертга ва "Жавоблар варақаси"га ўз исми-шарифларини ёзадилар.

4. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёzáди ва "Жавоблар варақаси"га ўзининг жавобини ёзисб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим оловчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги талабага узатади.

6. Конвертни олган талаба конверт устидаги саволга "Жавоблар варақалари"дан бирига ўз жавобини ёzáди ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги талабага узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган талабанинг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим оловчи конвертдаги "Жавоблар варақалари"ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғилиб олинидаги педагог томонидан таҳлил қилинади. Ушбу усул орқали таълим оловчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бунда таълим оловчилар ўзлари берган саволларига гурухдаги бошқа талабалар берган жавобларни баҳолашга, шунингдек, ҳам педагог, ҳам талабаларни объектив баҳолаш имконига эга бўлади.

### **"Ишбоб ўйин" усули**

*Бу усул, берилган топшириқларга кўра ёки ўйин қатнашчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишини акс эттириш усули ҳисобланади.*

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини тақлид қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Ишбоб ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми катъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоб ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёнида, ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қиласи, сўнгра гурух билан маслаҳатлашади. Уйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гурух эришган натижаларига қараб баҳоланади. Бу усулнинг тузилмаси қуидагича:

1. Ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан талабаларни таништириш.

2. Вазифаларни тақсимлаш.

3. Вазифалар бўйича иштирокчиларнинг қарор қабул қилиши.

4. Ўйинни амалга ошириш.

5. Муҳокама қилиш ва баҳолаш.

"Ишбоб ўйин" босқичлари қуидагилар:

1. Ўқув машғулотига тайёргарлик даврида педагог мавзуни, мақсад ва натижаларини аниқлайди.

2. Ўқув машғулотида таълим оловчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.

3. Таълим оловчиларга вазифаларни тақсимлайди ва маслаҳатлар беради.

4. Таълим оловчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Таълим оловчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалага оширадилар. Педагог ўйин жараёнига аралашмаган ҳолда уни кузатади.

6. Ўйин якунида педагог муҳокамани ташкил қиласи. Талабаларнинг эксперт хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Аввал ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетишини кўрсата олиши керак бўлади.

## "Ролли ўйин" усули

*Бу ўйин, таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириши орқали кўрсатиб берувчи усолдир.*

Ролли ўйиннинг ишбоп ўйиндан фарқи, баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга "Ролли ўйин" усули таълим олувчилар педагог томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, "Ишбоб ўйин" усулида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришилари йўлга қўйилган бўлади. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

"Ролли ўйин"да педагог таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристи, хулқ-автори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

Ролли ўйин тузилмаси:

1. Сценарий ишлаб чиқилади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Роллар тақсимланади.
4. Роллар ижро этилади.
5. Якуний ҳulosага келинади.

**"Ролли ўйин" босқичлари қўйидагилар:**

1. Педагог, ўқув машғулотига тайёргарлик қўрганда, мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўқув машғулотида талабаларга ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, роллар тақсимланади.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошка таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний

мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу усулни қўллаш учун сценарий маҳсус ўқув предмети бўйича ўтиладиган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир холатларни ёритиши керак.

### **"Баҳс-мунозара" усули**

*Бу усул, ўқув дастурдаги бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқув жараёнини амалга оширишининг бир туридир.*

Ҳар қандай мавзудаги муаммолар мавжуд билимлар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу усул қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топширилиши ёки педагогнинг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин холатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу усулда таълим жараёни олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартраф этишга ҳаракат қилиш керак.

Бу усул бўйича ўқув машғулотини олиб борища қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:

1. Барча таълим олувчилар иштирок этишлари учун имконияг яратилиши шарт.

2. "Қўл кўтариб" рухсат сўраш орқали, яъни фақат рухсат берилганидан кейингина сўзлашга риоя қилиш.

3. Фикр-мулоҳазаларни тинглай олиш маданиятига риоя қилиш.

4. Бир талаба билдирган фикрни, бошқа талаба томонидан тақрорламаслик.

5. Бир-бирларига ўзаро ҳурмат қоидаси.

**"Баҳс-мунозара" усули бўйича ўқув жараёнини олиб бориш тузилмаси:**

1. Муаммоли савол ўртага ташланади.

2. Турли жавобларга оид фикрлар тингланади.

3. Берилган жавобга оид фикрлар тўпланади.

4. Билдирилган жавоблар таҳлил қилинади.

5. Қўйилган саволга аниқ ва мақбул жавоб топилади.

**Бу усулнинг босқичлари қуйидагича:**

1. Педагог ўқув дастуридаги мавзу ичидан, мунозара мавзуси қилиб бир муаммони танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Педагог таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Педагог берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни, доскага ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда педагог таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Педагог таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухлаштиради, умумлаштиради ва таҳлил қиласиди.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

### **"Муаммоли вазият" усули**

*Бу педагогик усул, таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиши ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича билим ва қўникмаларини шакллантиришига қаратилган.*

"Муаммоли вазият" усули учун ўқув дастуридан танланган мавзуу ва уни ичидағи муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос равишда танланиши лозим Талабалар қўйилган муаммо ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс холда ечимини топа олмай, таълим олувчиларнинг муаммога бўлган қизиқишлири сўнишига ва ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу усул қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишига, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишига ва унинг ечимини топишга ўрганадилар.

### **"Муаммоли вазият" усулининг тузилмаси:**

1. Талабаларни гурухларга ажратиш.
2. Муаммоли вазият тавсифини келтириш.
3. Гурухларнинг муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаши.
4. Гурухларнинг муаммоли вазият оқибатлари тўғрисида фикр юритиши.
5. Гурухларнинг муаммоли вазиятини ечимини ишлаб чиқиши.
6. Педагог ва талабаларни муаммонинг тўғри ечимини танлашлари.
7. Педагогнинг нотўғри берилган ечимларини шарҳлаши.

### **"Муаммоли вазият" усулининг босқичлари:**

1. Ўқув жараёнига тайёргарлик қилиш даврида педагог ўқув дастуридаги мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларини аниқлайди.
2. Педагог таълим оловчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
3. Педагог таълим оловчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
4. Гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар, бу муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух ўзи аниқлаган сабабларни тақдимот қиласадилар.
5. Барча тақдимотларнинг ичидан бир хил фикрлилари гуруҳлаштирилади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қилиб, уларни таҳлил қиласадилар ва муаммони ечишнинг энг мақбул йўлини аниқлайдилар.

### **"Лойиха" усули**

*Бу усул, таълим оловчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларга берилган вақт давомида, ўқув дастуридаги мавзу бўйича ахборот йигиши, тадқиқот ўтказиш ва уни таҳлил қилиш ишларини олиб боришининг бир туридир.*

Бунда таълим оловчилар иш фаолиятини режалаштириш, қарор қабул қилиш, уни амалга ошириш, текшириш, хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойихани ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин. Лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг биргалиқдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижаси бўлиши лозим. Бу жараёнда таълим оловчиларнинг вазифаси, белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим оловчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим оловчилардан уларда мавжуд билимларни турли вазиятларда қўллай олишни талаб қилиши керак.

### **"Лойиха" усулининг тузилмаси.**

1. Маълумот йиғиши.
2. Режа тузиш.
3. Қарор қабул қилиш.
4. Уни амалга ошириш.
5. Текшириш.
6. Хulosса чиқариш.

### **"Лойиха" усулининг босқичлари:**

1. Педагог лойиха иши бўйича топширикларни ишлаб чиқади.

2. Таълим олувчилар мустақил равишида дарслик, турли схема ва тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотларни йигадилар.

3. Таълим олувчилар мустақил равишида иш режасини ишлаб чиқадилар. Шунда улар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал ва асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

4. Гурухлар иш режаларини тақдимот қиладилар ва педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорларни муҳокама қиладилар ва энг мақбул вариантни танлаб оладилар ҳамда иш режасига асосан топшириқни бажаришга киришадилар.

5. Педагог таълим олувчилар билан биргаликда "Баҳолаш варақаси"ни ишлаб чиқади.

6. Таълим олувчилар ишни бажариб бўлгач, иш натижаларини ўзлари текширадилар. Шунда, гурухлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга хам жалб қилинадилар. Текшириш натижалари "Баҳолаш варақаси"га қайд қилинади ва таълим олувчи ёки гурухлар педагогга ҳисобот берадилар. Ҳисобот оғзаки, материалларни намойиш қилиш ёки лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот бўлиши мумкин.

7. Педагог таълим олувчилар билан биргаликда иш жараёнини ва натижаларини якуний сухбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайдилар ва уларнинг орасида фарқ бўлса сабабларини аниқлайдилар.

### **"Йўналтирувчи матн" усули**

*"Йўналтирувчи матн" - таълим олувчилардан мустақил равишида йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиши, ўқув жараёнини режалаштириши ва уни амалга ошириши вазифасини бажарадиган усулдир.*

Бу усулнинг барча босқичларида педагог фаолияти "пассив", таълим олувчилар фаолияти эса "фаол" бўлади. Чунки таълим олувчилар педагог томонидан олдиндан тайёрланган материаллар асосида мустақил равишида фаолият кўрсатадилар. "Йўналтирувчи матн" усулидан ўқув амалиёти машғулотларида фойдаланишади. Ушбу усулни амалга ошириш жараёни "Лойиҳа" усулининг босқичлари билан бир хил кечади. Маълумот йиғиши, режалаштириш, фаолиятни амалга оширишга ва фаолият якунини текшириш босқичларида таълим олувчи мустақил ишлайди. Қарор

қабул қилиш ва хulosса қилиш босқичларида таълим оловчилар ва педагог орасида "қайтар алоқа" ўрнатилиб, биргаликда мухокама қилинади. Ўқув машғулотининг бошланғич босқичида таълим оловчиларга педагог томонидан тузилган ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатлар таркибиға техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар, топшириқлар ва рақаси, баҳолаш ва рақаси ва бошқалар киради.

### **"Йўналтирувчи матн" усулида педагог ва таълим оловчилар фаолияти**

#### **Педагог фаолияти**

1. Ўқув материали ва йўналтирувчи саволларни бериш.
2. Олдиндан тайёрланган режалаштиришга оид ва рақаларни тарқатиш.
3. Таклифларни мухокама қилиш.
4. Муаммоларни мухокама қилиш.
5. Баҳолаш ва рақаларини биргаликда ишлаб чиқиш.
6. Биргаликда хulosса чиқариш.

#### **Таълим оловчилар фаолияти**

1. Мустақил равишида маълумот йиғиши.
2. Мустақил равишида режа тузиш.
3. Мустақил қарор қабул қилиш.
4. Мустақил амалга ошириш.
5. Мустақил равишида текшириш.
6. Мустақил равишида хulosалаш.

### **"Йўналтирувчи матн" усулининг тузилмаси:**

1. Топшириқ бериш.
2. Мустақил равишида маълумот йиғиши.
3. Мустақил равишида режалаштириш.
4. Биргаликда қарор қабул қилиш.
5. Мустақил равишида амалга ошириш.
6. Ўз-ўзини текшириш.
7. Биргаликда умумий хulosса чиқариш.

### **"Йўналтирувчи матн" усулининг босқичлари:**

1. Педагог топшириқларни, тарқатма материалларни ва йўналтирувчи саволларни ишлаб чиқади.
2. Таълим оловчилар мустақил равишида дарслик, схемалар, тарқатма материаллар ва йўналтирувчи саволлар асосида топшириқка оид маълумотлар йигадилар ва "йўналтирувчи матн" тузадилар.
3. Таълим оловчилар мустақил равишида ўзи тузган "мустақил матн" асосида иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим оловчилар томонидан иш босқичлари, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлиги, материал, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар режалаштирилиши лозим.
4. Таълим оловчилар педагог билан биргаликда қабул қилинган

қарорлар бўйича эришилган натижалар мухокама қилинади. Таълим олувчилар бажариладиган ишлар кетма-кетлиги бўйича қарор қабул киладилар, педагог эса фақат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.

5. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда якка тартибда ёки гурухлар иштирокида амалга оширадилар. Бу босқичда таълим олувчиларнинг амалий кўникмалари шаклланади. Педагог топшириқнинг бажарилишини "Назорат варакаси"га қайд қилиб боради.

6. Таълим олувчилар ўзларининг иш натижаларини ўзлари текширадилар ва "Бахолаш варакаси"ни тўлдирадилар. "Бахолаш варакаси"да сифат мезонлари, яъни талаб этилган меъёрлар берилади ва улар эришилган натижа билан таққосланади.

7. Педагог ва таълим олувчилар биргаликда иш жараёнини ва эришилган натижаларни якуний сухбат давомида таҳлил қиласадилар. Ушбу сухбатда барча таълим олувчиларнинг иш натижалари баҳоланади ва келажакда иш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

#### **"Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси,...) ортиқча" усули**

*Таълим олувчиларнинг мантиқий тафаккур юритиши билим ва кўникмаларига эга бўлишларида мазкур усул алоҳида аҳамиятга эга.*

Бу усулни қўллашда куйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

1. Ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш.

2. Ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта, бешта, олтита ва ҳ.к. Ва тааллуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш.

3. Таълим олувчиларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаши ва уни тушунчалар тизимидан чиқариш вазифасини топшириш.

4. Таълим олувчиларни ўз ҳаракатлар моҳиятини шарҳлашга ундаш, яъни мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида таълим олувчилардан тушунчалар тизимида сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар орасидаги мантиқий боғлиқликни асослаб беришларини талаб этиш.

5. Ўкув машғулоти якунида бажарилган амалларни таҳлил қилиш.

Мавзу моҳиятини очиб берувчи тушунчалар орасидаги

мантиқий боғлиқликни кўрсата олиш ва асослаб бериш таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, шахсий фикрларини асослай олиш, шунингдек, тенгдошларини фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро тақослаш билим ва кўникмаларини шакллантиради.

### **"Чархпалак" усули**

*Ушибу усул таълим олувчиларни ўтилган мавзуларни эслашга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда иложи борича тўла жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда педагогни таълим олувчиларнинг билимларни эгалаганлик даражисини баҳолашга қаратилган.*

Усулнинг мақсади: таълим олувчиларни ўқув жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш якка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга ва талай фикрлардан кераклисини ажратадиган иборатдир.

Машғулотда фойдаланадиган воситалар: тарқатма материаллар, рангли қалам ёки фломастер.

Усулнинг қўлланиши: усул ўқув машғулотининг барча турларида машғулотнинг бошланиши ёки охирида ёхуд ўқув предметининг бирон бир бўлимини тугалланганида, ўтилган мавзуларни таълим олувчилар ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш учун мўлжалланган. Мазкур усул ўқув машғулоти жараёнида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу усул бўйича ўқув матғулотини олиб бориш тартиби:

1. Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш.
2. Таълим олувчиларни ўқув машғулотини олиб боришда, қўйилган талаблар ва қоидалари билан танишириш.
3. Аввалдан тайёрланган тарқатма материалларни гуруҳ аъзоларига тарқатиш.
4. Гуруҳ аъзолари томонидан, мустақил равишда, тарқатма материаллардаги вазифаларни бажариш.
5. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзининг тарқатма материалининг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизади.
6. Вазифаси бажарилган тарқатма материаллар бошқа гуруҳларга "чархпалак айланмаси" йўналишида алмаштирилади.

7. Янги гурух аъзолари томонидан берилган материаллар ўрганилади ва тегишли ўзгартиришлар киритилади.

8. Гурух аъзолари томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гуруҳлараро алмаштирилади.

9. Материалларни охирги алмасишидан сўнг ҳар бир гурух ва ҳар бир гурух аъзоси ўзлари илк бор тўлдирган материалларини, қўйган белгилари орқали, танлаб оладилар.

10. Ҳар бир гурух аъзоси ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гурух аъзоларининг тузатишларини таққослайди ва таҳлил қиласди.

11. Педагог тарқатма материалда берилган вазифани ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобни белгилайди.

12. Ҳар бир таълим оловчи тўғри жавоб билан ўзи берган жавобнинг фарқини аниқлайди ва ўзини баҳолайди.

13. Таълим оловчилар ўз баҳоларини аниқлаб олишгач, педагог вазифа бажарилган қоғозларни йигиб олади ва баҳоларни гурух журналига кўчиради.

### "Бумеранг" усули

*Ушбу усул таълим оловчиларни ўқув жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишилаш, эгалланган билимларни ёдида сақлаб қолиши, сўзлаб бериши, фикрини эркин ҳолда баён эта олиши, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиши ҳамда ўқув машғулоти мобайнида педагог томонидан барча таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолай олишига қаратилган.*

**Усулнинг мақсади:** ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни таълим оловчилар томонидан якка ва гурух ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда сухбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш.

**Усулнинг қўлланиши:** бу усулдан амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда сухбат-мунозара шаклда олиб бориладиган ўқув жараёнини якка тартибда. кичик гурух ва жамоа шаклида фойдаланиш мумкин.

**Усулдан фойдаланилганда зарур бўладиган воситалар:** мавзуга мос равишда тайёрланган тарқатма материаллар - ўтилган мавзу юзасидан қисқа матнлар, суратлар ва бошқа маълумотлар.

**Ушбу усул бўйича ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:**

1. Таълим олувчилар кичик гурухларга ажратилади.
2. Таълим олувчилар ўқув машғулотининг мақсади ва тартиби билан таништирилади.
3. Таълим олувчиларга мустақил фаолияти учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади.
4. Берилган матнлар таълим олувчилар томонидан мустақил ўрганилади.
5. Ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади.
6. Янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган материаллари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар ва матнни ўзлаштириб олишга эришадилар.
7. Берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиласидилар.
8. Янги гуруҳ аъзолари дастлабки холатдаги гурухларига қайтадилар.
9. Ўқув машғулотининг қолган жараёнида таълим олувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган билимларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда "гуруҳ ҳисобчиси" тайинланади.
10. Таълим олувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида педагог ёки оппонент таълим олувчига саволлар билан мурожаат қилиб, оғзаки сўров ўтказадилар.
11. Саволларга берилган жавоблар асосида гурухларнинг тўплаган умумий баллари аниқланади.
12. Ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган холда биттадан савол тузилади.
13. Гурухлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади, яъни "гуруҳ ҳисобчилари" берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб берадилар.
14. Гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади.
15. Гурухлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

\* \* \*

## Педагогика соҳасида қўп ишлатиладиган тушунчаларнинг изоҳлари

Бугунги кунда, педагогика соҳасида баъзи тушунчаларнинг қўлланиши гоҳо ноўрин, гоҳида улардан нотўғри фойдаланиш ҳоллари кўзга ташланганлиги боис, муқаддиманинг якунида, педагогика соҳасида қўп ишлатиладиган тушунчаларни изоҳлаб бериш зарурияти пайдо бўлди.

**Методология** деб, ҳар қандай фаолиятни (бизнинг мисолда таълим жараёнининг лойиҳасини тузиш ва ундан амалда фойдаланиш) амалга оширишда фаолият юритувчи учун йўлчи юлдуз, яъни унинг фаолиятига тамойил бўлиб хизмат қилувчи, фаолият якунида эришиладиган мақсад кўрсаткичлари билан фалсафанинг энг умумий ва мазкур фаолиятнинг хусусий қонунлар мажмуига айтилади. Буни яна, шу фаолиятнинг фалсафий асоси ҳам дейилади.

**Методика** - мақсадга эришиш жараёнида қўлланиладиган усул ва услубларни қўллаш йўриқномаси.

**Модул** - таълим-тарбия жараёнидаги ўқув материалининг ҳажми, олдига қўйилган мақсади, билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, иерархия поғоналарга ажратилган бўлаклари.

**Мего** - ўта катта (бизнинг мисолда битта ўқув предметнинг бутунлик ҳолати).

**Макро** - катта (бизнинг мисолда ўқув предметнинг йирик қисми - боблари).

**Мезо** - ўрта (бизнинг мисолда катта қисмлар ичидаги кичик бўлаги, у бир жуфт соатлик ўқув машғулотига тўғри келиши шарт).

**Микро** - кичик (бизнинг мисолда, ҳар бир жуфт соатда ёки 45 дақиқада бериладиган билимларни алоҳида-алоҳида бўлакларга бўлинган ҳолатидаги қисми).

**Таълим усуллари** - таълим берувчи билан таълим оловчиларнинг, билим бериш ва билим эгаллаш мақсадида ҳамкорликда олиб бориладиган ҳаракатлар тартиби. Баъзи мутахассислар буни кўра била туриб ўқитиш методлари деб юритмоқдалар.

**Таълим услублари** - таълим усулларининг таркибий қисми бўлиб, таълим жараёнини амалга оширишда, учрайдиган

муаммоларни ҳал қилишга хизмат қиладиган тадбир ва чоралардир. Рус тилида "Педагогик приём" дейилади.

**Педагогик технология** - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир.

**Таълим технологияси** - бу ижтимоий буюртмада белгилаб берилган инсон фазилатларини самарали шакллантириш мақсадида ўқув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари ва ўқитиш воситалари ёрдамида таълим олувчиларга маълум бир шароитда муайян режа ва дастур асосида кўрсатган таъсири ва бу таъсир натижасини баҳолаб берувчи, технологиялашган таълимий усулдир.

**Таълим - билимга иштиёқманд** кишиларга билим бериш. У кўпроқ ақлий фаолият билан амалга оширилади.

**Тарбия** - таълим олувчининг, таълим жараёнида эгаллаган билимларини, шу жумладан, ахлоқ ва одоб билимларини, уларга амалиётда синатиб кўриб, кўникмасига айлантириш, яъни таълим олувчини ўқув жараёнида эгаллаган билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш. У кўпроқ жисмоний ҳаракатлар билан амалга оширилади. (Бунинг илмий асослари Б.Зиёмуҳаммадовнинг "Педагогик маҳорат асослари", "Тиб-Китоб" 2009 - 74-бетида батафсил келтирилган).

**Илм(наука)** - инсоннинг муайян соҳада тадқиқотлар олиб бориб янги билимларни аниқлаш мақсадида олиб борадиган фаолият тури. Илмий фаолиятнинг маҳсули "билим"дир.

**Билим** - объектив борликдаги яхлитликни ташкил қилувчи унсурлар орасидаги, шу унсурларнинг тадрижий ривожи натижасида пайдо бўладиган **ўзаро зарурий алоқадорлик**дир. У қонун, қоида, тушунча, таъриф, хосса, хусусият сифатида намоён бўлади. Билим муайян соҳа фанига мулк вазифасини ўтайди.

**Фан** - муайян соҳадаги, кишилик жамияти кашф қилган, билимларнинг маълум бир тартибдаги йиғиндиси (билимлар сандиги).

**Ўқув предмети** - муайян фан ичидан сараланиб, узлуксиз таълим жараёнининг муайян босқичида таълим олувчиларга берилиши мумкин деб ҳисобланган билимлар мажмуи.

**Ўқув жараёни** - педагог билан таълим олувчиларнинг билим бериш ва билим эгаллаш мақсадида қилинадиган ҳамкорлик

ҳаракатлари.

**Ўқув машғулоти** - муайян вакт давомида мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини амалга ошириш учун қилинган ҳаракатлар мажмуи.

**Назарий машғулот** - назарий билимларни эгаллаш мақсадида олиб бориладиган ўқув машғулотининг тури.

**Амалий машғулот** - назарий машғулотда эгалланган билимларни таълим олувчилар қўникмасига айлантириш мақсадида олиб бориладиган ўқув машғулотининг тури.

\* \* \*

## ХУЛОСА

Педагогик технологиядан фойдаланаётган кўпгина ривожланган мамлакатлар таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга эришаётганлиги ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Ушбу услубий тавсияномада баён этилган маълумотлар педагогик технологиянинг салоҳияти тўғрисида фикр юритишга асос бўлади. Унга амал қилган таълим берувчилар таълим олувчиларга билим беришда албатта самарали натижаларга эришади. Айниқса, бу таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, касбий маҳорати, ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда ҳамда бошқа ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда муҳим.

Педагогик технология доирасида яратилган турли хил ишланмалар таълим самарадорлигини оширишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда таълим берувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли усуllар, воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашга имконият яратади.

Ушбу услубий тавсияномани яратишида “Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели” асос қилиб олиниб, ҳаммага маълум бўлган усуllарнинг энг яхши томонлари ва ПТ тамойиллари бўйича битта маъруза ва амалий ўқув машғулотлари лойихаси ишлаб чиқилди.

Ушбу услубий тавсияномада узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўrsатаётган профессор-ўқитувчилар, педагоглар жамоаси, илмий тадқиқотчилар учун зарур манба бўлиб, педагогик технологияни таълим жараёнига жорий этиш масаласида барча фанлар ўқув машғулотларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишида **андоза** ҳамда таълим жараёнига татбик этиш бўйича услубий ёрдам бўлади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг ”Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган). Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётиниң пойдевори. -Т.:Ўзбекистон. 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиниң пойдевори. -Т.:Ўзбекистон. 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли хамда 2011 йил 4 июлдаги “2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-1564-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 21 июлдаги “Олий таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини янгилаш тўғрисида”ги 308-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ДТСлари.
9. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, “Низомий”, 2003.
10. Зиёмуҳаммедов Б., // М.Тожиевнинг умумий таҳрири остида. “Таълим технологиялари” ўқув предмети битта мавзуси назарий ва амалий машғулотларнинг ўзбек модели асосида тузилган лойиҳалари, //Методик қўлланма. Т.: 2012. 60 б.
11. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.
12. Йўлдошев Ж.Ғ., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Иқтисод-Молия, 2009. -652 б.

13. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истебдот” жамғармаси, Тошкент, 2008.
14. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н., Мадъярова С.А., Эшchanov Э.У. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Магистратура мутахассисликлари учун дарслик. –Тошкент: Иқтисод-Молия, 2009. - 240 б.
15. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши. Насаф, 2000.
16. Педагогика / Акад. С.Р.Ражабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи. 1981.
17. Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. Миллий педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. Монография /Т.: «MUMTOZ SO’Z», 2010. - 271 б.
18. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.-Т.: “Фан”,2006.
19. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар - дўстона мухит яратиш омили. – Тошкент: ЮНИСЕФ, 2005 (ўқув қўлланмаси).
20. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар.-Т.: “Молия”,2003. –
21. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В, Рихсимбоев О.К. Кейс- стади - иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари: Илмий - услубий қўлланма. - Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010.